

МАКТАВ ВА НАҲОТ

№5 (65)-2009

“ШКОЛА И ЖИЗНЬ”

Ilmiy-metodik jurnali

НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

УШБУ СОҲДА

С.АЛИМХОДЖАЕВА, Ф.ХАЙДАРОВ - Мактабга қадам

2

М.САЛАЕВА, О.ХЎЖАНИЁЗОВА - Жисмоний тарбия - мактабгача ёшдаги болалар баркамоллигининг асоси

4

Д.МАХМУДОВА - Касб танлашнинг ўқувчиларни жамият ҳаётига мослаштиришдаги ўрни

7

М.С.РАҲИМОВ - Радиотўгарак машғулотида хавфсизлик техникаси қоидалари

9

Ф.ОЛИМОВА, А.САНАҚУЛОВА - Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларида коғозни буклаш усулида амалий ишлар

10

Ё.ЮСУПОВА, Ф.САИДОВА - Ўқитишда педагогик-психологик ҳолатни кўриш технологияси

11

Н.АГЗАМОВА - Психологиянинг инглиз тили ўқув материалларини лойиҳалаш жараёнидаги ўрни

13

Я.НУРУМБЕКОВА - Тарбиячи касб фаолиятида педагогик қобилиятларнинг ўрни

14

З.Р.АБДУЖАББОРОВА - Дарс жараёнида талабалар фаоллигини ошириш усуллари

17

Т.УТЕБАЕВ, М.АЙТИМБЕТОВ - Педагогик маҳорат

18

Н.ШОДИЕВ, Б.ДОНИЕВ - Меҳнат таълими ўқитувчиси педагогик фаолиятини назорат қилишнинг назарий асослари

20

И.Х.АРИФХОДЖАЕВА - Ички ишлар идораларида касбий психологик танловнинг аҳволи

23

С.Т.ТУРҒУНОВ, Л.А.МАҚСУДОВА - Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда ахборотлар ва коммуникация

27

Р.ДЖУРАЕВ - Проблемы и перспективы бизнес - образования

29

Н.И.РАВШАНОВА - Основные направления осуществления экологического воспитания дошкольников

31

Н.Д.КАСЫМОВА - Психологические особенности подражания в процессе социализации подростков

33

Ф.Р.МИРКАМАЛОВ - Сущность самостоятельной работы в процессе обучения учащихся

35

ТАХРИРИЯТ

Бош муҳаррир Р.Ҳ.Жўраев

Бош муҳаррир ўринбосари А.Ш.Закиров

Масъул котиб Х.У.Худайбердиев

ТАХРИРИЯТ ҲАЙЪАТИ

Б.Бляхер, Б.Дониёров, Н.Муслимов,
Ҳ.Рашидов, Ў.Толипов, Ш.Эргашев,
К.Ядгарова, Ж.Шосалимов

Мусаҳҳиҳлар Г.У.Рашидова,
Е.А.Исаханова

Компьютерда териш
ва дизайн И.Рахимжанова,
М.Холиқов

Журнал

2001 йилдан чиқа бошлаган.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ

100022, Тошкент ш., Қушбеги мавзеси
16А уй, «МАКТАВ ва НАҲОТ» журнали
Тел: (371) 250-04-69
Факс: (371) 250-18-59
E-mail: maktabvahayot@sarkor.uz

Муаллифнинг фикри ҳар доим ҳам таҳририят фикрига тўғри келмайдими. Таҳририят мақолаларнинг услубий хатоларини тўғрилаш ва қисқартириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Таҳририятга юборилган мақолалар эгасига қайтарилмайди ва тақриз қилинмайди.

Мнение редакции не всегда совпадает с мнением автора. Редакция оставляет за собой право на стилистическую правку и сокращение статей. Присланные в редакцию рукописи не возвращаются и не рецензируются.

Журналдан кўчириб босилганда
“Maktab va hayot”дан олинди,
деб кўрсатилиши шарт.

ОБУНА ИНДЕКСИ - 1019

ИЛОВАЛАР:

1. Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис тизими мутахассисларининг 2009 йил август кенгашларини ўтказиш бўйича тавсиялар
2. 5-синфда меҳнат таълими дарсларида халқ хунармандчилиги ишларини ўрганиш

МАКТАБГА ҚАДАМ

(Фарзанди биринчи синфга бораётган ота-оналар
учун маслаҳатлар)

С.АЛИМХОДЖАЕВА - Республика ташхис Маркази бўлим бошлиғи
Ф.ҲАЙДАРОВ - Республика ташхис Маркази психологи

Мактабга илк қадам бола ҳаётидаги энг муҳим ва мураккаб босқич бўлиб, ўқув йилининг бошланиши бола ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборади. Энди бепарво ўйинлар ўрнига бола ҳар куни мактабга бориши, кун тартибига риоя қилиши, мактаб ҳаётининг янги қонунларига бўйсунуши, ўқитувчининг талабларини ва уй вазифаларни мунтазам бажариши, ўқишда яхши натижаларга эришиш учун интилиши керак.

Бу меъёрларга мослашиш вақтни талаб этади. Биринчи икки ҳафта болаларда сезиларли зўриқишни юзага келтиради. Фақатгина 5-6 ҳафтага келиб секин-аста кўникиш пайдо бўлади. Айтиш керак-ки, янги фаолият (ўқув)га киришиш боладан барча юқори психик жараёнлар (диққат, хотира, тафаккур, тасаввур, идрок)ни янги даражада ташкил этишни талаб этади. Боланинг мактабга бориши ўз-ўзидан бу даражани пайдо бўлишини таъминламайди. Бу жараён секин-аста ривожланади, яъни диққатнинг ҳажми кенгаяди, унинг тақсимланиши яхшиланади, ёрқин ҳиссий воқеа-ҳодисаларни ихтиёрсиз равишда хотирада сақлаб қолиш ихтиёрий тарзга айланади. Кўргазмали-образли тафаккур мантиқий тафаккурга айланади.

Бу жараёнда жуда кўп нарса биринчи синф ўқувчисининг ота-оналарига боғлиқ. Боланинг мактаб ҳаётига жиддий муносабатда бўлиш, боланинг ютуқлари ва муваффақиятсизликларига эътиборли бўлиш, унинг мақсадга эришиш учун ҳаракат ва интилишларини рағбатлантириш, ҳиссий қўллаб қувватлаш зарур. Боланинг ўз фаолияти аҳамиятли эканлигини ҳис этиши ўз-ўзига баҳонинг ва ўзига ишонч ҳиссининг юқори бўлишига хизмат қилади. Ўзига ишонч ҳисси ўқишдаги муваффақиятнинг гаровидир! Болани мақташдан қўрқманг, унинг кичкинагина ютуғидан ҳам хурсанд бўлинг! Шунинг унутмангки, бола ўзига катталар унга қандай муносабатда бўлишса, шундай муносабатда бўлади. Фикримизнинг далили сифатида Сизнинг ҳукмингизга қуйидаги сўровномани ҳавола этамиз.

**«Ота-оналарнинг болаларга муносабати»
тест сўровномаси**

Кўрсатма. Ҳар бир таъкидни диққат билан ўқиб чиқинг. Агар таъкидга рози бўлсангиз "+" белгиси, агар норози бўлсангиз "-" белгисини қўйинг. Саволларга чин дилдан жавоб беришга ҳаракат қилинг. Тўғри ёки нотўғри жавоблар бўлмайди.

1. Ўйлайманки, ота-оналар ўз фарзандлари нимани ўйлаётганлигини билишлари зарур.

2. Одатда, ота-оналар бола шахсига бўлган ҳурматни ўз ҳаракатларида намоён эта олмайдилар.

3. Ота-оналар, кўпинча ўз фарзандларидан газабланадилар.

4. Баъзида ота-оналар фарзандларига раҳбар-хизматчи муносабатида бўладилар.

5. Баъзида ота-оналар ўз фарзандларининг ҳолига ачинадилар.

6. Баъзида менинг болам аччиғимни чиқариш учун ўзини атайин ёмон тутаётганга ўхшайди.

7. Менинг болам ҳамма ёмон нарсаларни «губка» сингари шимиб олаётганга ўхшайди.

8. Болага жуда талабчан бўлиш керак, шундагина ундан виждонли одам чиқади.

9. Фарзандимнинг дўстларининг уйимизга меҳмон бўлиб келишлари менга ёқади.

10. Таниш-билишларим орасида болалар ҳақида гап кетганда, мен ўзимни ноқулай ҳис қиламан, сабаби менинг фарзандим мен ҳоҳлаганчалик ақлли ва қобилиятли эмас.

11. Фарзандимнинг ўсаётгани ва улғаяётганидан ачинаман, унинг кичкиналигини энтиқиб эслайман.

12. Фарзандимнинг ҳаётда мен эриша олмаган нарсаларга эришишини орзу қиламан.

13. Оилавий қарорлар қабул қилишда боланинг фикрини ҳам инобатга олиш зарур.

14. Фарзандим билан жанжаллашиб қолганимда, кўпинча унинг ўзича ҳақлигини тан оламан.

15. Болалар ота-оналар ҳам хато қилишлари мумкинлигини барвақт билиб оладилар.

16. Кўпчилик ота-оналар ўз фарзандларининг дид ва ҳоҳишларини агар улар ўзлариникига тўғри келмаса, инобатга олмайдилар.

17. Фарзандимнинг инжиқликларининг асосий сабаби дангасалик ва ўжарлик деб биламан.

18. Агар таътил бола билан ўтса, мазза қилиб дам олиш қийин.

19. Баъзида менга фарзандим ҳеч бир яхши нарсага ярамайдиган бўлиб кўринади.

20. Катталар одатда аразловчанлик, кўз ёши ва қайсарликнинг ҳақиқий сабаблари мавжудлиги ҳақида ўйламайдилар.

21. Бола тарбияси - доимий асабузарликлардан иборат.

22. Болаликдаги қатъий интизом кучли характери ривожлантиради.

23. Менинг фарзандим бирор нарсани мустақил қила олмайди, қилганда ҳам бу иш кўнгилдагидек чиқмайди.

24. Менинг фарзандим қийинчиликларга мослашмай вояга етаётганлиги мени хавотирга солади.

25. Фарзандим менга қандай бўлса шундайлигича ёқади.

26. Баъзан ҳаёт ота-оналарни шамоллаган болага дори бериб, мактаб ёки боғчага жўнатишга мажбур қилади.

27. Бола унинг ота-онасига ёққан болалар билан дўстлашиши мақсадга мувофиқ.

Натижалар таҳлили

Ҳар бир капит билан тўғри келган жавоб учун бир балл қўйилади. Сўнг баллар ҳар бир шкала учун алоҳида ҳисоблаб чиқилади.

«Қабул қилинган-хўрланган»: 2+, 3+, 6+, 10+, 16+, 17+, 18+, 19+, 20+, 20+, 21+, 24+, 25+;

«Кооперация»: 4+, 13+, 14+, 15+; ва 6-, 8-, 16-;

«Авторитар гиперижтимоийлашув»: 1+, 8+, 12+, 22+, 26+; ва 10-, 27-;

«Кичик омадсиз»: 5+, 7+, 10+, 11+, 14+, 16+, 23+, 27+; ва 24-.

«Қабул қилинган - хўрланган» шкаласи - максимал йиғинди 13 балл.

Агарда синалувчи 0 дан 4 баллгача тўпласа, у ҳолда катталарга (ота-онага) бола қандай бўлса, шундайлигича ёқади. У ҳар бир боланинг индивидуаллигини ҳурмат қилади ва ёқтиради. Катталар кўп вақтларини болалар билан ўтказишга ва уларнинг режа ва қизиқишларини қабул қилишга ҳаракат қиладилар. Агарда синалувчи 4 ва ундан юқори балл тўпласа, бунда у болаларни тартибсиз, омадсиз, мослаша олмайдиган, деб қабул қиладилар. Кўп ҳолатларда катталар болаларга нисбатан асабийлашиш, агрессивликни ҳис қилади. Умуман олганда, болаларга ишонмайди ва бола шахсига ҳурмат билан қарамайдилар.

8 баллдан юқори балл тўпланган ҳолатлар шундан далолат берадики, ота-оналар болаларига нисбатан муносабатларидаги ўзининг хатти-ҳаракатлари, изоҳлари ва тарбияланувчи шахсига ҳурмат муносабатларини билдиришда қийинчиликни ҳис қиладилар. Бунда катталарни болаларга нисбатан интеграл, эмоционал муносабат хусусиятлари механизмини коррекция қилиш муҳим ҳисобланади.

«Кооперация» шкаласи - максимал йиғинди 7 балл.

Агар синалувчи мазкур шкала бўйича 5-7 балл тўпласа, бунда катталар болаларнинг режа ва ишлари билан қизиқади, болаларни қўллаб-қувватлаб, ҳамдардлик билдиришга ҳаракат қиладилар. У болаларни интеллектуал ва ижодий қобилиятларини юқори баҳолаши ва фарзандлари учун ғурур ҳиссини ҳис қилиши мумкин. Катталар болаларнинг ташаббуси ва мустақиллигини рағбатлантириб, улар билан ўзларини тенг кўриб, ишониб, баҳсли саволларда уларнинг фикрларини қабул қилишга қодир.

Агар синалувчи 4 балл ва ундан паст балл тўпласа, бу боланинг ёлғизлигидан далолат беради.

«Авторитар гиперижтимоийлашув» шкаласи - максимал йиғинди 7 балл.

Агар синалувчи 0 дан 3 баллгача тўпласа, бу меъёрни билдиради. Агар синалувчи 3 дан юқори балл тўпласа, бу муносабатларда авторитаризм борлиги яққол кўринади. Катталар болалардан сўзсиз итоат ва тартиб-интизомни талаб қиладилар. Улар болаларга ўз қарорини сингдиришга, лекин уларнинг

фикрини ҳам қабул қилишга интилади. Болалар томонидан қилинган ўзбошимчаликни жазолайдилар. Катталар болаларни ижтимоий муваффақиятга эришишини кўзлаган ҳолда улардан ижтимоий муваффақиятни талаб қилиб, шахсий ривожланиш билан қизиқмайдилар. Бунда улар болаларнинг индивидуал қобилиятлари, одатлари, фикрлари ва ҳис-туйғуларини яхши биладилар.

«Кичик омадсиз» шкаласи - максимал йиғинди 9 балл.

Агар синалувчи 2 балл тўпласа, бу меъёр ҳисобланади.

3 ва ундан юқори балл катталарнинг йўналишини характерлаб, бунда катталар болада шахсий ва ижтимоий етукликни кўрмайдилар. Бу эса инфантилликка олиб келади. Катталар болани ўзининг ёшига нисбатан кичикроқ ёшда кўрадилар. Боланинг қизиқишлари, фикрлари ва ҳис-туйғулари болаларча, жиддий бўлмаган ҳолда қабул қилинади. Болалар мослашмаган, муваффақиятсиз, салбий таъсирларга берилувчан деб тасаввур қилинади. Катталар болаларга, уларнинг муваффақиятчилигига ва бирор бир ишни бажара олиш қобилиятига ишонмайдилар. Шу муносабат билан улар болаларни ҳатти-ҳаракатларини қатъий назорат қилиб, режалаштирадилар.

Агар синалувчи 8-9 балл тўплаган бўлса, унда катталар болаларнинг ёш ва индивидуал имкониятларига бўлган ноадекват эмоционал муносабатлари ҳақида мулоҳаза юритишлари лозим.

Шу билан бирга биринчи синф ўқувчисининг ота-оналарига қуйидаги қоидаларни тавсия этган бўлар эдик.

1-қоида.

Болани бир вақтнинг ўзида ҳам биринчи синфга, ҳам бирон-бир спорт секцияси ёки тўгаракка берманг. Чунки, мактаб ҳаётининг бошланиши олти-етти ёшли бола учун оғир стресс ҳисобланади. Агар болада сайр қилиш, ўйнаш, дам олиши ва дарсларни шошмасдан тайёрлаши учун имконияти етарли бўлмаса, унинг саломатлигида муаммолар юзага келиши ва бунинг оқибатида невроз бошланиши мумкин. Агар фарзандингизнинг мусиқа ёки спорт билан шуғулланишини унинг тарбияси учун муҳим деб ҳисобласангиз, ушбу машғулотларни уни мактабга беришдан бир йил аввал ёки 2-синфдан бошлаганингиз маъқул.

2-қоида.

Шуни ёдда тутиш керакки, 6-7 ёшли бола ўз диққатини фақатгина 10-15 дақиқага сафарбар эта олади. Шунинг учун бола билан дарс тайёрлаётганингизда унга ҳар 10-15 дақиқада, машғулотдан чалғитган ҳолда, жойида 10 марта сакраш, мусиқа остида рақсга тушиш, югуриш каби машқларни бажартириш лозим. Уй вазифаларни бажаришни ёзув дарсларидан бошлаш мақсадга мувофиқ. Ёзма топшириқларни оғзаки топшириқлар билан алмаштириб бажариш ҳам мумкин. Уй вазифаларни бажартириш учун вақт бир соатдан ошмаслиги керак.

3-қоида.

Кўриш аъзоларидан юқори диққатни талаб этадиган телевизор кўриш, компьютер ўйинлари ва

бошқа машғулотлар кунига бир соатдан ошмаслиги лозим. Бу хулосани окулист ҳамда невропатолог шифокорлар ҳам алоҳида таъкидлайдилар.

Бир неча қисқа маслаҳатлар.

- боланинг ютуқларини эмас балки уни қандай бўлса шундайлигича яхши кўришингизни доимо фарзандингиз ҳис этсин;

- ҳеч қачон болага бошқалардан ёмонроқсан деб айта кўрманг, уни бошқа болалар билан таққосламанг;

- боланинг ҳар бир саволига имкон қадар рост ва сабр билан жавоб бериш лозим;

- ҳар куни фарзандингиз билан ёлғиз қолиш учун вақт ажратишга ҳаракат қилинг;

- болани фақатгина тенгдошлари билангина эмас балки катталар билан ҳам эркин ва бемалол мулоқот қила олишга ўргатинг;

- у билан ғурурланишингизни таъкидлашдан уялманг;

- болага нисбатан ўз ҳиссиётларингизни баҳолашда ростгўй бўлинг;

- болага ҳар доим рост гапиринг, агар бу сиз учун фойдасиз бўлса ҳам;

- болани айби учун жазоламоқчи бўлсангиз (масалан, бирор бир нарсани синдириб қўйса ёки кийимини ифлос қилиб келса) унга айни вақтдаги айби учун танбеҳ беринг;

- куч билан болага таъсир ўтказманг, мажбур қилиш боланинг маънавий тарбиясига, шахсининг ривожланиши учун салбий таъсир кўрсатади;

- болангиз хато қилишга ҳақли эканлигини тан олинг;

- боланинг ёдида фақат бахтли онлар муҳрланиб қолишига ҳаракат қилинг;

- катталар болага қандай муносабатда бўлишса, бола ҳам ўзига худди шундай муносабатда бўлади;

- ҳеч бўлмаганда баъзи-баъзида боланинг ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг, ана шундагина болага қандай муносабатда бўлишингизни англаб етасиз.

Фарзандларимизнинг тарбиясига салбий ва ижобий таъсир этадиган қуйидаги фикрларга кундалик турмушимизда амал қилсак, келажак авлоднинг мустақил фикр эгаси, маънан ва ақлан баркамол бўлиб етишишига, давлат ва жамиятимизнинг равнақиға муносиб ҳисса қўшишига эришамиз.

БОЛАЛАР ЯШАШНИ ҲАЁТДАН ЎРГАНАДИЛАР.

Агар бола мунтазам танқид қилинса, у нафратга ўрганади.

Агар бола адоват(ёвгарчилик, зидлик, хусумат) муҳитида яшаса у тажовузкорликка ўрганади.

Агар бола мунтазам мазах қилинса, у индамас, одамови бўлиб қолади.

Агар бола фақат танбеҳ эшитиб катта бўлса, унинг ўзига ишончи йўқолади.

Болалар яшашни ҳаётдан ўрганадилар.

Агар бола сабр-тоқат муҳитида катта бўлса, у бошқаларнинг фикрини ҳурмат қилишга, улар билан муросада бўлишга ўрганади.

Агар боланинг фикрини ҳам тез-тез инobatга олиб турилса, унинг ўз-ўзига бўлган ишонч ҳисси ортади.

Агар бола тез-тез мақтаб турилса, унда миннатдорлик ҳисси шаклланади.

Агар бола фақат ростгўйлик муҳитида яшаса, у адолатли бўлишга ўрганади.

Parents and teachers must always take into their account the opinions given by children and pupils, because it will awake the sense of confidence and raise children's responsibility.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ - МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР БАРКАМОЛЛИГИНИНГ АСОСИ

М.САЛАЕВА - УрДУ доценти, п.ф.н.

О.ХЎЖАНИЁЗОВА - Асс.ўқитувчи.

Мустақил республикамиз учун ёш авлодни ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялаш ҳаётий муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки ҳар, ҳандай жамиятнинг равнақи, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий фаровонлиги фуқароларнинг ақлий, ахлоқий ва жисмоний салоҳияти ҳамда уларнинг маънавий даражада юксак ривожланишига боғлиқ.

Дарҳақиқат, жамиятимизнинг тараққий этиши, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишни таъминлайдиган ҳуқуқий демократик давлат қуришни етук ва малакали кадрларсиз ҳал этиб бўлмайди. Шу боис Республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва вазифаси инсон ва унинг ҳар томонлама ўсиб улғайиши, камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўйбга чиқаришнинг шароитларини ва уларнинг

таъсирчан механизмларини яратиш, ҳамда эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартиришга қаратилди.

Шунингдек, халқимизнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида замонавий фан, техника ва технологиялар, иқтисодиёт ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш масаласига ҳам кенг эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Ўзбекистан Республикаси давлат мустақиллигига эришгач, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлади ва кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида аҳамият қаратилди. Бу борада эса қатор чора-тадбирлар кўрилди ва амалда қўлланилди.

Мактабгача таълим турли ёшдаги болаларни мактабга тайёрлаш билан бирга, уларни соғлом, ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш учун зарур ташкилий, услубий психологик, педагогик шарт-

шароитлар яратади, болаларни мактабда мунтазам равишда таълим олишга тайёрлашда ота-оналарга ёрдам беради, унда ўқишга интилиш хиссини уйғотади.

Мактабгача таълимнинг вазифаларидан бири болаларнинг жисмоний ва руҳий соғлигини таъминлаш.

Кичик ёшдаги болаларнинг жисмоний тарбияси мактабгача таълим педагогикасининг муҳим бир бўлими саналиб, мактабгача тарбия ёшидаги болаларни уйғун ривожлантириш, уларни ҳар томонлама жисмоний тарбиялашни назарда тутати. Жисмоний тарбиянинг вазифаси, бола соғлигини сақлаш, жисмоний сифатларини ўстириш, ёш авлодни ақлий ва жисмоний меҳнатга ва Ватан ҳимоясига тайёрлашдир. Бу гоё азал-азалдан ота-боболаримиз маънавиятида акс этиб келмоқда. Жумладан, халқ ижодида «Алпомиш», «Гурўгли» каби дostonларда ҳам ўз ифодасини топган. «Алпомиш» дostonида Ҳакимбекнинг (Алпомишнинг) жисмоний машқ қилиш, табиат қўйнида вояга етгани, унинг алплиги қуйидагича тасвирланади:

«Алпинбийнинг бобосидан қолган ўн тўрт ботмон биринчдан бўлган парли ёйи бор эди. Ана шунда етти яшар бола Ҳакимбек шу ўн тўрт ботмон ёйни қўлига ушлаб кўтариб тортиди ва уни тортиб қўйиб юборди. Ёйнинг учи яшиндай бўлиб кетди. Аскар тоғининг катта чўққисини юлиб келди. Овозаси оламга ёйилди. Шунда барча халойиқлар йиғилиб айтди: Дунёда бир кам тўқсон алп эди, алпларнинг бошлиғи Рустам дoston, охири бу Алпомиш алп бўлсин». Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, шахснинг жисмоний камолоти кишилар тарихий тараққиётининг барча жабҳаларида улуғланган ва қадрланган.

Жисмоний тарбия тўғрисидаги таълимот педагогиканинг таркибий қисмидир. Педагогика фанининг бу соҳасига тааллуқли баъзи бир ходисаларни таърифлашда «жисмоний маданият», «жисмоний ривожланиш» сингари асосий тушунчалардан ҳам фойдаланилади.

«Жисмоний маданият» тушунчасига халқ маданиятининг бир қисми сифатида қаралади. Жисмоний маданият кишилик жамияти томонидан тўпланган моддий ва маънавий бойликлар йиғиндиси, ундан кишиларнинг жисмоний камолоти учун фойдаланилади.

Жисмоний маданият тушунчасига қуйидагилар қиради:

- меҳнат ва турмушдаги озодалик;
- кийим, бино ва хоналарнинг тозаллиги;
- шахсий гигиена ва кун тартибига одатланиш, кун давомида тўғри фаолият юритиш ва дам олиш, уйқу, овқатланиш ва ҳ.к;
- табиий шароитда организмни чиниқтириш: ҳаво, қуёш ва сув ёрдамида;
- жисмоний машқлар.

Жисмоний ривожланиш - одам организмидаги шакл ва вазифаларнинг ўзгариши, мускулларнинг ортиши, бўйнинг ўсишини ифодалайдиган биологик жараёндир. Жисмоний ривожланиш ҳаёт қонунлари муҳит ва организмнинг бирлиги асосида амалга ошади. Жисмоний тарбия - киши организмни морфологик ва функционал такомиллаштириш, унинг

жисмоний сифатлари ва қобилиятларини ривожлантириш, ҳаракат малакалари ва кўникмаларини шакллантириш ҳамда улар билан боғлиқ бўлган билимларни хосил қилиш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган педагогик жараёндир. Жисмоний тарбия бола организмнинг функционал имкониятларини ошириб, унинг ақлий фаолиятини муваффақият билан бажаришга қўмаклашади, қўл панжаларининг ҳаракатланиши, нутқни ҳаракатга келтирувчи марказнинг ривожланишига ижобий таъсир этади.

Кун тартибидаги гигиеник ва чиниқтирувчи муолажаларни бажариш орқали боланинг билим доираси кенгайди, ақлий фаоллиги ортади, у жасурлик, халоллик, батартиблик, қатъийлик, мустақиллик ва шунга ўхшаш ижобий хулқ меъёрлари ва қоидаларини ҳам эгаллаб олади. Жисмоний-тарбия машқлари аксарият ҳолларда бутун гуруҳ билан бажарилади. Жисмоний тарбияга оид машғулотларда, ҳаракатли ўйинларда болаларда жамоатчилик, уюшқоқлик интизомлилик каби хислатлар шаклланади. Жисмоний тарбия эстетик тарбия билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Жисмоний машқлар орқали болалар енгил, чиройли, ифодали ҳаракат қилишга ўрганадилар, бу сўзсиз, болаларда эстетик хисни тарбиялайди.

Боланинг соғлом ва жисмонан бақувват ва чидамли бўлиши унинг иш қобилиятини ўстиради.

Жисмоний тарбиянинг мақсад ва вазифалари жамият эҳтиёжлари билан белгиланади. Бу эҳтиёж ижтимоий тарбиянинг умумий мақсадидан келиб чиқади. Бу мақсад ўзида маънавий бойликни, ахлоқий покликни, интеллектуал салоҳиятни, жисмоний баркамолликни мужассамлаштирган, ҳар томонлама етук ривожланган шахсни шакллантиришдан иборат.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний тарбияси вазифаларини ҳал этишда уларнинг ёш хусусиятлари ҳисобга олинади. Жадал ўсиш ва ривожланиш мактабгача ёшдаги бола организмнинг ўзига хос хусусиятидир. Аммо тизим ва вазифаларнинг шаклланиши ҳали тугалланмаган бўлади. Шунинг учун мактабгача ёшдаги бола жуда нозик бўлади. Демак, болаларни жисмоний тарбиялаш жараёнида қуйидаги вазифалар биринчи даражали ҳисобланади:

- Соғломлаштирувчи вазифалар: болалар соғлигини мустаҳкамлаш, организмнинг шакл ва функцияларини уйғун ривожлантириш, иш қобилиятини ошириш, ҳар хил ташқи таъсирларга чидамлилигини кучайтириш, узоқ умр кўришини таъминлаш.

Таълимий вазифалар: мактабгача тарбия ёшидаги болаларга хос бўлган, ўта қабул қилувчанликни, шароитнинг ўзгаришига енгил мосланиш қобилияти бир қатор таълимий вазифаларни ҳам амалга ошириш имкониятини яратади, чунончи керакли кўникма ва малакаларни шакллантириш, жисмоний сифатлар (чаққонлик, кучлилиқ, мувозанат, кўз билан чамалаш кўникмалар)ни тарбиялаш, жисмоний тарбия ҳақидаги билимларни ўзлаштириш. Боладаги ҳаракат кўникмалари: юриш, югуриш, велосипед учиш ва ҳ.к.

нисбатан энгил шаклланади ва улар боланинг муҳит билан алоқасини осонлаштиради.

Тарбиявий вазифалар. Мактабгача ёшдаги болаларда жисмоний муҳитга, спорт машғулотларига муҳаббат, уларнинг натижаларига, спортчиларнинг ютуқларига қизиқишни тарбиялаш лозим. Жисмоний машқларни бажаришда характер хусусиятлари (уюшқоқлик, камтарлик, кўнгилчанлик ва ҳ.к.) ва ақлий вазиятлар (ҳалоллик, ҳаққонийлик, ўртоқлик ҳисси, ўзаро ёрдам), жамоада шуғулланиш малакаси, физкультура асбобларини эҳтиёт қилиш, топшириқни масъулият билан бажаришларини тарбиялаш, шунингдек, иродавий фазилатлар (ботирлик, қатъийлик, ўз кучига ишонч, қийинчиликларни энгишда саботлилик, дадиллик ва бошқалар)ни намоиш қилиш учун жуда қулай шароит яратилади.

Бизнинг жамиятимизда жисмоний тарбия давлатнинг она ва бола тўғрисидаги ғамхўрлигига, меҳнаткашлар яшаш шароитларининг доимо яхшиланиб бориши, моддий фаровонлигининг ўсишига асосланади. Гигиеник шароитлар. Болаларнинг жисмоний тўғри ривожланиши учун гигиеник шароит (бино, майдонча, жиҳозлар, кийим-бош, пойабзал) яратиш, болалар ҳаётининг илмий асосланган режимини (булар оқилона овқатланиш, ҳаракатларни ривожлантириш ва организмни чиниқтиришни ўз ичига олади) албатта бажариш зарур. Шу билан бирга тиббиёт ходимларнинг доимий назорати, зарурий профилактик ва даволаш ишлари олиб бориш талаб этилади.

Боғчада ҳар бир гуруҳлар учун хоналар ажратилади. Гуруҳ, хоналари болаларнинг эркин ҳаракат қила олиши ва соф ҳаводан нафас олиши имконини берадиган даражада катта, ёруғ, қуруқ ва иссиқ деразалари Жануби - Шарққа қараган бўлиши керак.

Гуруҳ хонасининг баландлиги 3 - 3,5 м бўлиб, ҳар бир болага бино сатҳидан 0,5 кв м жой, тахминан 3 куб м ҳаво тўғри келиши, хона беазаги гигиенага хос, тез тоза бўладиган, ёқимли, юмшоқ рангда бўлиши керак. Гуруҳда тартиб бўлишига риоя қилиш керак. Хона ёруғлигини тўсадиган оғир ва қалин пардалар, гиламлар, юмшоқ мебель, умуман ортиқча нарсалар бўлмаслиги керак. Ҳамма жиҳозлар таълим - тарбия талабига, болаларнинг бўйларига ва гавда тузилишига мос бўлиши ва халқ таълими вазирлиги томонидан қўйилган махсус меъёрга жавоб бериши лозим.

Болаларнинг стол, стуллари анча мустаҳкам ва энгил, тузилиши содда ҳамда осон ювиладиган бўлиши керак. Столлар ёруғлик чап томондан тушадиган қилиб, жойлаштирилди лозим. Юмшоқ ва кўрғазмали қуроллар ҳам гигиеник талабларга жавоб берадиган, пишиқ, зарарсиз рангда ташқи кўриниши силлиқ бўлиши керак. Тарбиячи ўз гуруҳининг гигиеник шароити учун жавобгардир. Хонани болалар сайрга, мусиқа машғулотида чиқиб кетгандан кейин шамоллатиш, дераза ва зал форточкалари эса йил фаслларида қатъий назар доимо очиқ бўлиши керак.

Мактабгача таълим муассасаси майдончаси. Ҳар бир ёш гуруҳи учун ажратилган алоҳида

майдонча бўлиши керак. Майдончада болаларни ҳаракатланиши учун жой (текис майдонча) кум, сув, қурилиш метериаллари, айнан ўйналадиган ўйинлар учун жой, ижодий ўйинлар ва турли ўйинчоқлар билан ўйналадиган ўйинлар учун жой ажратилади. Майдончада ҳаракатларни ривожлантирувчи жиҳозлар, тирмашиб чиқиш учун деворчалар (уч, тўрт ва олти бурчакли), мувозанат сақлаш учун хода, тепаликка сакраш, улоқтириш машқлари учун жиҳозлар бўлиши керак.

Ёмғир ва Қуёшдан сақлаш учун ёпиқ ойналар бўлади. Майдонча ҳар доим озода, тартибли бўлиши зарур. Болаларнинг овқатланиши (нонушта, тушлик, кечки овқат) осойишта ўтиши керак. Оқилона ташкил этилган овқатланиш болаларнинг ўсиб бораётган организми учун айниқса муҳим аҳамиятга эга, у барча тўқималарнинг меъёрли ўсиши ва ривожланишини таъминлайди. Овқатланишда меъёрдан ҳар қандай четга чиқиш болалар организми, ҳаётий фаолиятига тезда таъсир қилади ва бола қанчалик кичик бўлса, у энг кичик бузилишга ҳам шунчалик кучли таъсир кўрсатади.

Болаларни илк ёшлигидан бошлаб овқатни мустақил ейишга ўргатиш уларни овқатни иштаҳа билан ейишга, овқатга ижобий муносабат уйғотишга ёрдам беради. Иккинчи ёшнинг бошидан қошиқдан фойдаланишга ўргатиш, тўртинчи ёшдан санчикдан, 5 ёшдан пичоқдан фойдаланиш малакаларини тарбиялаб бориш зарур.

Овқатланиш вақтида болаларга тарбия бериш, уларни койиш ярамайди. Бу ҳолат болаларнинг асабини бузади, иштаҳасини бўғади. Бир болага берилган танбеҳ бошқа болалар диққатини тортмаслиги лозим.

Уйқу. Мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний томондан тарбиялашдаги муҳим вазифа нерв системаси гигиенасидир. Бу вазифани ҳал этишда уйқу катта аҳамиятга эга. Уйқу мия катта ярим шарларининг меъёрли ишлаши учун зарур бўлган куч - қувватни тиклайди.

Яхши ва узоқ давом этган уйқу нерв системаси толиқишининг олдини олувчи асосий воситадир. Болаларни яхши ухлатиш учун уларга кучли қўзғатадиган ақлий ва жисмоний иш қилдирмаслик, уйқудан олдин салбий хисларни уйғотмаслик лозим, бундай муомала натижасида боланинг мия ярим шарларида юқори қўзғалиш ўчоғи хосил бўлади.

Сайр. Болаларнинг узоқ вақт очиқ ҳавода бўлиши уларнинг соғлиги ва жисмоний ривожланишига ҳар томонлама ижобий таъсир этади. Боланинг очиқ ҳавода бўлиши натижасида қон айланиши яхшиланади. Ҳароратнинг ўзгариб туриши, ҳавонинг намлиги, шамол таъсири терморегуляция аппаратини машқ қилдиради. Организмнинг фаоллиги янада ортади, ҳаракатлар, жисмоний сифатлар такомиллашади.

Чиниқтириш. Бола организмни чиниқтириш деганда, чидамлилик, зарарли таъсирларга қаршилиқ кўрсатиш, ҳаётий шароитларнинг ўзгаришига тез мослашиш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар тизими тушунилади. Чиниқтиришнинг асосий тамойиллари системалилик, доимийлик ва шахснинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишдир.

Чиниқтиришнинг асосий воситалари табиат инъомлари: ҳаво, сув ва Қуёш ваннаси.

Кун тартиби ва уни ўтказиш методикаси. Кун тартиби жисмоний тарбиянинг муҳим шартидир. Кун тартиби хилма-хил фаолият ҳамда дам олишнинг вақт жиҳатдан мувофиқ тақсимланишидир.

Кун тартибини ташкил этувчи барча қисмларни (овқатланиш, уйқу, ўйин, машғулот, сайр) бир меъёрда такрорлаш натижасида болаларда фаолиятнинг бир туридан иккинчи турига ўтишни енгиллаштирувчи мустақкам кўникма ҳосил бўлади.

Кун тартибига қўйилган асосий талаблар. Кун тартибини ташкил этиш гигиеник омил, яъни болалар соғлигини сақлаш, ўзини яхши хис этиши ҳам санитария-гигиена талабларига риоя қилиш каби

вазифалар билан чекланади. Кун тартибини туришда йил фасллари ҳам эътиборга олинади. Кун-тартибига қўйиладиган яна бир талаб болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олишдир.

Шундай қилиб, жисмоний тарбия муаммосини ҳал этишда, аввало, санитария-гигиена омилларига, табиатнинг соғломлаштирувчи кучлари Қуёш, ҳаво ва сув, гимнастика, ўйин каби воситаларга катта аҳамият бериш кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим омилли ҳисобланади.

One of the main factors assisting in achieving positive results is drawing attentions to the personal sanitary and physical training procedures, also natural sanative forces like sun, water and air.

КАСБ ТАНЛАШНИНГ ЎҚУВЧИЛАРНИ ЖАМИЯТ ҲАЁТИГА МОСЛАШТИРИШДАГИ ЎРНИ

Д. МАҲМУДОВА - Урганч Давлат университети ўқитувчиси



озирги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёнида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўллаш орқали ижтимоийлаштириш соҳасида ўзига хос вазият вужудга келди. Истиқболда жамиятнинг ёш аъзолари олдида уни ҳар томонлама ривожлантириш вазифаси турибди. Таълим жараёни мунтазам такомиллаштирилади танлигига қарамасдан, ўқувчиларни ижтимоийлаштириш соҳасида ҳали кўплаб ишларни амалга ошириш зарурияти мавжуд.

Амалиётдаги мавжуд ҳолатни таҳлил қилиш натижалари, мазкур муаммонинг ечими устида жиддий изланишлар зарурлигини кўрсатди. Бунинг учун дастлаб мавжуд камчиликларнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўллари кўрсатиш лозим. Бунинг асосий сабабларидан бири ўқувчилар муайян касбни ишонч ва қатъийлик билан танламаётганликларидадир.

Маълумки, 12-16 ёшларда ўқувчи ўз нуқтаи назарларини аниқ белгилаб олиш имконияти ва салоҳиятига эга бўлади. Мен ким бўлишим керак?, Қандай касб эгаси бўлишим лозим?, Қайси соҳада кўпроқ керакман-у, бу соҳада қандай муваффақиятларга эриша оламан? Ўқувчилар ўз олдларига худди шу каби саволларни қўйишлари ва унга жавоб бера олишлари талаб этилади.

Маълумки, касб-ҳунарлар олами жуда ҳам кенгдир. Бу олам ўз ичига юзлаб мутахассисликлар ва касб-ҳунар соҳаларини қамраб олади. Ҳар бир ўқувчи мактабда таҳсил олаётган вақтида касбий танлов муаммосига дуч келади.

Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, аксарият касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари мактабда ўқиш даврида касб танлашда хатога йўл қўйганликларини тан олмоқдалар. 5-9-синф ўқувчиларини одатда кўплаб касблар ўзига жалб эта бошлайди.

Маълумки, меҳнатнинг турли турлари инсондан

турли-туман, баъзан ўзаро бир-бирини инкор этадиган сифатлар ва кўникмаларни талаб қилади. Касблар ҳар бир шахсдан биринчи навбатда юксак маданият, умуммеҳнат кўникмалари ва малакаларни тақозо қилади. Муайян касбий нуқтаи назарга эга бўлмасдан туриб, шахс микросоциумда муносиб ўрин эгаллай олмайди. Албатта, ўқувчилик давридаёқ муносиб касб-ҳунар танлаш осон эмас. Бунинг учун ўқувчи ижтимоий, шахсий жиҳатдан чуқур танлов имконияти ва мустақилликка эга бўлиши лозим.

Ўқувчининг мустақил касб танлаши унинг самарали ижтимоийлашуви учун муҳим омилдир. Муносиб касб танлай олиш натижасида шахс ўзининг ҳаёт йўлини белгилайди. Натижада у жамият аъзолари орасида муносиб ўрин эгаллайди, ўз меҳнат фаолиятдан қониқиш ҳосил қилади.

Бугунги кунда жамият ва таълим тизими ўқувчи ёшларнинг ўз нуқтаи назарини аниқ белгилаши учун кенг имкониятлар яратмоқда. Улар олдида ўз кучлари ва салоҳиятларини меҳнат ва касбий фаолиятнинг турли соҳаларига сафарбар қилиш имконияти вужудга келмоқда. Ўқувчилар мактабда тўғри касб танловини амалга оширишлари учун фан ўқитувчилари, синф раҳбарлари, мактаб психологи уларга яқиндан ёрдам бериши керак. Тўғри касбий танлов бугунги кунда инсон ҳаёт йўлини белгиловчи асосий омил сифатида муҳим ижтимоий-педагогик аҳамиятга эга. Шахснинг кўпгина ижтимоий имкониятлари худди мана шу танлов натижасида рўёбга чиқади. Тўғри касбий танлов шахснинг жамиятда ўзини намоён қилиши учун кенг имкониятлар яратади.

Маълумки, ҳар бир шахс ўзи мойил бўлган меҳнат ва касб кўникмаларини эгаллай олади. Бўлажак касбни тўғри танлаш ўқувчи учун муҳим аҳамиятга эга. Бунда у биринчи навбатда ўз майллари ва имкониятларига таяниши керак. Болалар дастлаб

турли ўйинлар жараёнида ўзлари учун муайян касбий ролларни танлаб оладилар. Бунда уларга ўқитувчилар ва ота-оналар яқиндан ёрдам беришлари керак. Ўқитувчилар ва ота-оналар ҳар доим болаларнинг ўйин фаолиятини диққат билан кузатишлари лозим. Чунки, улар ролли ўйинлар ўйнаш жараёнида муайян меҳнат тури ва касбга хос бўлган кўникмаларни эгаллашга интиладилар. Масалан, савдо-сотикқа қизиқадиган, шу касбни эгаллашга мойил бўлган ўқувчилар столлардан пештахта, қоғозлардан пуллар ясаб ўйнашга интиладилар. Ўқувчилар 14-16 ёшларида муайян касбий танловга эга бўлишлари лозим. Асосан, 9 синф ўқувчилари бу соҳада қатъий бир қарорга келган бўлишлари шарт.

Ўқувчиларнинг умумий дунёқарашлари уларнинг истиқболдаги режаларида ўз аксини топади. Ўқувчиларнинг истиқболдаги ҳаётий режалари ниҳоятда кенг ва ҳиссиётларга тўлалигини кузатишларимиз натижасида аниқлашга эришдик.

Бу режалар одатда ўсмир ёшдаги ўқувчилар ҳаётининг барча қирраларини қамраб олганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. **Ўсмир ёшдаги ўқувчилар учун энг мураккаб ва кечиктириб бўлмайдиган ижтимоий ҳолатлардан бири тўғри касб танлашдир.** Келажакка руҳий ишонч ва қатъият билан интилиш, фикран намунали ижтимоий фаолият кўрсатиш орзуси аксарият ўқувчиларга хосдир. Ўқувчи жамиятдаги мустақил ҳаёти мазмунини олдиндан тасаввур қила олиши лозим. Бу эса, унинг тўғри касбий танлови билан боғлиқдир. Ўқувчи ўзининг келажакдаги ҳаёти ҳақида энгил-елпи тасаввурга эга бўлишига қарамасдан, касбий танлов унинг учун муҳим ижтимоий аҳамиятга эга. Ўзига хос касбий танлов эса, ҳар бир ўқувчининг ўзига хослигига боғлиқ. Ўқувчининг ўзига хослиги у ўзлаштирган дастлабки меҳнат ва касбий кўникмаларида ўз ифодасини топади.

Ўсмир ёшдаги ўқувчилар ўз характер хусусиятлари ва темпераментлари билан бир-бирларидан кескин фарқ қиладилар. Шу билан бир қаторда, уларнинг ҳар бири ўзига хос имконият, эҳтиёж, интилиш, қизиқиш ва ўзини англаш даражасига эга. Ўқувчининг ўзига хослиги у танлаган ҳаёт йўли ва касб-корида намоён бўлади. Мактабда ўқиш даврида ўқувчиларда муайян дунёқараш ҳам таркиб топади. Чунки, улар бу даврда болалиқдан катталикнинг дастлабки босқичига ўтадилар. Бу жараёнда аста-секин мустақиллик, масъулият, жамият ҳаётида фаол иштирок этишга интилиш, турли муаммоларнинг мақбул ечимини излаш, касбий нуқтаи назар ва ижтимоий мавқега эга бўлиш кабилар таркиб топади. Ўқувчилар тўғри касбий танловга эга бўлиш натижасида ижтимоий ҳамда шахсий нуқтаи назарларини намоён қиладилар. Таъкидлаб ўтилганидек, шахснинг касбий танлови болалиқда бошланиб, ўсмирлик даврида яқунланади. Ўқув жараёнида ўқувчиларнинг касбий майлларини

аниқлаш асосида уларни меҳнат фаолиятига йўналтириш амалий аҳамиятга эга. Қиз болаларда касбий мойиллик жадаллик билан ижтимоий эҳтиёжга айланади. Уларда касб танлаш ва уни эгаллаш ўз-ўзини касбий аниқлашдан бошланади. Бу даврда ўқувчилар келажакда амалга оширадиган фаолият соҳаларини аниқ белгилаб олган бўлишлари керак.

Биз 7-9 синф ўқувчиларининг ўзлари танлаган ва келажакда фаолият кўрсатадиган касбларига бўлган муносабатларини аниқлашга ҳаракат қилдик. Келгусида фаолият кўрсатадиган асосий касбини танлаш нафақат 9-синф ўқувчиларини ҳаяжонлантиради, балки ота-оналари ва уларнинг ўқитувчилари учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Чунки бу даврда ўқувчилар мактабни битиргач, қаерга боришлари ҳақида аниқ нуқтаи назарга эга бўлишлари лозим. Келажакдаги режаларни қатъий белгилаш ўқувчининг ижтимоий шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Бундай режалар ижтимоий-руҳий етуклик кўрсатгичи ҳисобланади. Кўпгина ўқувчилар ўзлари аниқлаган режаларини зудлик билан ўзгартиришга қарор қиладилар. Бунда шахс фаолиятида ўзига хос ҳолат вужудга келади. Бу муайян ижтимоий мақсад, фаолият ва майллар билан боғлиқдир.

Ўсмирлик ёшида ўқувчиларнинг муайян касбни эгаллаш ҳақидаги орзулари уларнинг имкониятлари доирасида ўзгариб туради. Ўз режаларини амалий ҳаракатлари орқали намоён қилишга нисбатан интилиш вужудга келади. Баъзи ўсмирлар эса келажакда фаолият кўрсатадиган касблари ҳақида жуда кам ўйлайдилар. Кўпгина ёшларда муайян касбларга бўлган қизиқишларини турли омиллар, чунончи, атрофдаги одамлар, матбуот, сайру-саёҳатлар, машҳур шахслар таъсирида ҳосил бўлади. Улар бир вақтнинг ўзиде кўп нарсаларга қизиқадилар ва кўпгина касбларга нисбатан йўналиш оладилар. Бу ёшда улар турли тўғаракларга катта қизиқиш билан қараган ҳолда қатнашадилар. Улар ўзлари қизиққан касбни эгаллашга нисбатан имкониятларини юқори баҳолайдилар. Тўғарак машғулотларида иштирок этиш натижасида ўқувчилар ўз имкониятлари ва камчиликларини тўғри баҳолаш кўникмасини эгаллайдилар. Тўғараклар ўқувчилар учун ўз фаолиятларини синаб кўриш ва орзулари рўёбга чиқиши учун энг яхши имкониятдир. Ўқувчи ёшларнинг касб-ҳунарга бўлган интилишларини сўндирмаслик керак. Бироқ, уларга бу йўлда дуч келадиган қийинчиликларни ўқитувчилар, ота-оналар, тўғарак раҳбарлари мунтазам англашиб боришлари лозим.

Teachers and parents should always care about their children. They must know about their interests and decide the problems that can disturb children and prevent in self-development.

РАДИОТЎГАРАК МАШҒУЛОТЛАРИДА ХАВҒСИЗЛИК ТЕХНИКАСИ ҚОИДАЛАРИ

М.С.РАҲИМОВ — Қўқон Давлат педагогика институти

Умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежлари таълим тизими олдига қўйилган асосий вазифалардан бири ўқувчиларга касб ўргатишдан иборатдир. Ўқувчиларга турли касблар ҳақида тушунчаларни шакллантиришда таълим муассасаларида фаолият юритадиган техникага оид тўғаракларнинг, шу жумладан радиотўғаракларнинг ўрни каттадир. Радиотўғаракнинг амалий машғулотларида ўқувчилар электр токи билан ишлашига тўғри келади. Шу нуқтаи назардан амалий машғулотларда ўқувчилар хавфсизлик техникаси қоидаларини яхши билишлари ва унга риоя этишлари жуда муҳимдир.

Тўғарак раҳбари томонидан биринчи амалий машғулотда ўқувчиларга ишлаш қоидалари ва электр хавфсизлиги бўйича тушунтириш (инструктаж) ўтказилади. Тўғарак журналининг белгиланган жойига ўтказилган инструктаж ҳақида ёзиб қўйилади. Бунда ўқувчиларнинг фамилияси ва исми, ўтказилган вақти, тўғарак раҳбари ва ўқувчиларнинг шахсий имзолари қўйилади. Бундай инструктажлар ҳар йили камида 2 марта ўтказилади. Бундан ташқари ҳар бир амалий машғулотда бажариладиган ишнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда хавфсизлик техникаси бўйича қўшимча тушунтиришлар берилиши зарур. Ҳар бир амалий машғулотда ўқувчиларнинг хавфсизлик қоидаларига риоя қилиши тўғарак раҳбари томонидан назорат этиб борилади.

Тўғарак машғулотлари ўтадиган хонанинг яхши кўринадиган жойига ўқувчилар учун ишлаш ва хавфсизлик қоидалари ёзиб қўйилади. Бундан ташқари ҳар бир иш жойида радиомонтаж, чилангарлик ва бошқа турдаги асбоблар билан ишлаш қоидалари махсус кўргазмалар ёрдамида кўрсатилади. Амалий машғулотлар вақтида тўғарак раҳбари зиммасига қуйидагилар юклатилади:

1. Амалий машғулотлар ёки бошқа турдаги ишлар бажарилаётган вақтда тўғарак раҳбари шу хонада бўлиши шарт;

2. Ўқувчиларнинг соғлиқларига зиён етмайдиган хавфсиз меҳнат қилишларига шарт-шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

3. Ўқувчилар томонидан хавфсизлик техникаси қоидаларини бажарилишини таъминлаш;

4. Ўқувчиларга бошланғич ва ҳар бир бажариладиган ишлар бўйича хавфсизлик қоидаларини тушунтириш ҳамда уни тўғарак журнаliga қайд этиб бориш;

5. Ҳар хил электр асбоблари ва жиҳозларини, ўтказгич кабелларини, назорат-ўлчаш асбобларининг ҳолатини мунтазам кузатиб бориш ва уларни зарур ҳолларда таъмирлаш ёки фойдаланишдан олиб қўйиш бўйича чоралар кўриш;

6. Асбоб-ускуналарни ўз жойида жойлашишини ва сақланишини назорат этиб бориш;

7. Ўқувчиларнинг машғулотларда махсус кийимларсиз ишлашларига йўл қўймаслик;

8. Электр токидан шикастланганда, қуйишда ёки бирор жойини кесиб олганда ўқувчиларга биринчи ёрдам чораларини кўришни билиш;

9. Машғулот хонасида мавжуд аптекадаги дори-дармонларни билиш ва уларни қўллаш олиш;

10. Ўқувчилар ҳаётига ва соғлиқларига хавф туғилганда машғулотни дарҳол тўхтатиш ва бу ҳақда муассаса раҳбарини огоҳлантириш.

Радиотўғарак амалий машғулотларида ҳар бир ўқувчи қуйидаги қоидаларга риоя этиши зарур:

1. Машғулотлар вақтида ишлаш қоидалари ва хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя этиш;

2. Ўзининг иш жойини ташлаб кетиш ёки машғулот хонасидан чиқиб кетишни фақат тўғарак раҳбари руҳсати билан амалга ошириш;

3. Иш пайтида фақат соз асбоблардан фойдаланиш ва уларни ўз вазифаларига кўра қўллаш;

4. Иш жойида фақатгина шу машғулотда қўлланиладиган асбоб-ускуналар ва жиҳозларни жойлаштириш;

5. Тўғарак раҳбарининг биринчи талабиданок ишни тўхтатиш;

6. Асбоб-ускуна ва жиҳозлардаги дефект-нуқсонларни пайқаганда бу ҳақда тезда тўғарак раҳбарини огоҳлантириш;

7. Электр асбоб-ускуналардан ҳар хил ҳидлар, тутунлар чиққанида ёки радиоэлектрон қурилмалар қаттиқ қизиганида уларни ток тармоғидан узиш ва бу ҳақда тўғарак раҳбарини огоҳлантириш;

8. Амалий ишларда электр хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиш.

Электр хавфсизлиги қоидаларига асосан қуйидагилар киради:

- Электр кавшарлагичнинг ток манбаи қуруқ хоналар учун 42 В, намлиги юқори хоналарда 36 В дан ошмаслиги керак;

- Электр кавшарлагичнинг ток манбаига уланидиган вилкаси, бошқа юқори кучланишли (220 В) тармоққа улана олмаслиги керак;

- Электр кавшарлагичларни даврий равишда корпуслараро ва қиздиргич элементларини қисқа туташувга текшириб турилади;

- 42 В дан юқори кучланишда ишлайдиган барча электр асбоб-ускуналари Ерга уланиши керак;

- Радиоэлектрон қурилмаларни монтаж қилишда, соzлашда, ва таъмирлашда изоляция қилинган асбоб-ускуналардан фойдаланиш керак;

- Радиоқурилмаларда, схемаларда радиодеталларни алмаштириш ва монтаж ишлари фақат ток манбалари узилган ҳолатда амалга оширилади;

- Йиғилган радиосхема фақат чуқур текшириб кўрилгандагина, уларни ток манбаига улаш мумкин;

- Электр асбоб-ускуналарини, ўлчаш асбобларини

ток манбаига уланган ҳолда назоратсиз қолдириш мумкин эмас;

- Электр сақлагичларни олиб қўйиш, ўрнига мис симларни улаш тақиқланади, чунки бундай ҳолларда радиоэлектрон қурилма ишдан чиқиши мумкин;

- Ток ўтаётган ўтказгич симларга ва кучланиш

остигади радиоқурилма қисмларига қўл теккизиб кўриш тақиқланади.

Pupils should know the safety measure rules and observe them. Those skills will assist self-security on radio study-group because every can meet with electric current there.

БОШЛАНҒИЧ СИНФ МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ДАРСЛАРИДА ҚОҒОЗНИ БУКЛАШ УСУЛИДА АМАЛИЙ ИШЛАР

Ф.ОЛИМОВА - ТВХТБ методика маркази раҳбари
А.САНАҚУЛОВА - олий тоифали методист

Мактаб таълимнинг ҳозирги босқичида ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш, ўсиб келаётган авлоднинг таълим ва тарбиясидаги энг зарур масалалардан бири. Айниқса бошланғич синфларда ўқувчиларни меҳнатга тайёрлашда қоғоз ва картон билан ишлаш иш тури муҳим аҳамият касб этади.

Қоғоз ва картон билан ишлаш иш турида ўқувчилар ишлаб чиқариш технологиялар чиқиндилари, (қоғоз, картон, сим, ёғоч, газмол ва бошқалар) табиий ва сунъий хом ашёлар (махсус лой, ёғоч ва пластмассалар, пластилин, елим ва бошқалар) билан ишлашда зарур билим ва кўникма ҳосил қилади.

Меҳнат таълими дастур материалларини таҳлил қилар эканмиз, барча синфлардаги иш турларидан бири «Қоғоз ва картон билан ишлаш» эканлигини кўраемиз.

Қоғоз ва картон билан ишлаш дарсларининг асосий хусусияти шундаки, бу дарсда буюмларнинг умумий кўринишидаги йиғма, чизма ва буюмнинг намунаси ёки фақат техникавий расм ва чизмалардан фойдаланилади.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг йиғма чизмани ўқишга, чизма ва намунадан барча деталларни, уларнинг ўлчамини аниқлаш ва ҳар қайси детални мустақил белгилаб олишга ўргатади. Ўқитувчи ўқувчиларга намуна ва меҳнат дарсидаги чизмани кўрсатиб, болалар билан макетни ясаш учун нечта деталь тайёрлаш кераклигини, уларнинг ўлчами шакли қандай бўлишини аниқлайдилар.

Ўқувчилар машғулотларда қоғоз варақларини буклайдилар ва тўғрилайдилар, уларни қисмларга бўлиб йиртадилар, қирқадилар ва бўяйдилар. Шу билан бирга қоғозни буклаш йўли билан турли хил нарсаларнинг шаклини ясайдилар.

Қоғоз ва картон билан ишлаш машғулотларига олдиндан қуйидагича тайёргарлик кўришади: столнинг устига қоғоз ёзиб, ўнг томонига қайчи, елим учун чўтка, чизғич, қалам, авторучка, олд томонларига елим қийқимлар учун қути, чап томонларига иш вақтида халақит бермайдиган қилиб рангли қоғоз тўпламини жойлаштирадилар.

Амалий машғулотда ўқувчиларга ишлаётган материалларга тежамкорлик билан муносабатда бўлиш, ўз ишларини режалаштира билишлари, материални тежамкорлик билан сарфлаш, вақтдан унумли фойдаланишлари, ўқитувчи кўрсатмаларига

амал қилишлари, шу билан бирга иш жойини тоза ва озода сақлашлари, машғулотдан сўнг синфни тозалаб қўйишлари кераклиги тушунтирилади.

Барча фанларда қўлланилгани каби меҳнат дарсларида таълимнинг кўрсатмали воситаларидан турли хил намуна, расм, чизма, схематик намуна, турли предметларнинг моделлари, шунингдек, техника воситаларидан фойдаланилади. Жумладан қоғозни буклаш усулида қуйидаги амалий иш намуналарини келтириш мумкин.


Буклаш усулида кўйлак ясаш

1-босқич. Рангли қоғоздан тўғри тўртбурчак тайёрланг. Тўртбурчакнинг узунлиги бўйича юқори ва пастки қисмларини 0,5 см да букланг.

2-босқич. Тўғри тўртбурчакнинг бўйи бўйича тенг иккига букланг. Иккала ён қисмини ўрта чизикқа тенглаштириб букланг.

3-босқич. Тўғри тўртбурчакнинг бир томондаги бурчакларини учбурчак шаклида ён тарафга букланг.

4-босқич. Шаклдаги учбурчакларни орқа томонга букланг ва тугма ўринларини чизинг.



1-расм

Капалак макетини ясаш


1-босқич. Рангли қоғоздан квадрат шаклини тайёрланг.

2-босқич. Квадрат шаклини учбурчак шаклга келтириб букланг.

3-босқич. Учбурчак шаклини диагональ бўйича букланг ва икки қаватли учбурчак шаклига келтиринг.

4-босқич. Икки қаватли учбурчакнинг битта томонларини ўрта қисмига келтириб иккита учбурчак ясанг.

5-босқич. Учбурчакларни тескари томонга тенг иккига букланг, шаклга безак беринг.



Чиннигул шаклини буклаб, қирқиб яшаш


1-босқич. Рангли қоғоздан квадрат шакли тайёрланг ва учбурчак шаклига келтириб букланг.

2-босқич. Учбурчакнинг пастки қисмидаги учларини юқори қисмидаги учларига тенглаштиринг. Ромб шаклига келтиринг.

3-босқич. Ромб шаклини тенг иккига букланг. Четларини учбурчак шаклида қирқинг.

4-босқич. Шаклни текислаб бурчакларини паст томонга букланг.

5-босқич. Банди ва баргларини қирқиб елимланг.



Elementary school teachers should include to the labor training process cardboard and paper materials, in order to develop in pupils knowledge with working on wastes in production technology.

ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ҲОЛАТНИ КЎРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ё.ЮСУПОВА - Андижон Давлат Университети «Психология» кафедраси катта ўқитувчиси
Ф.САИДОВА - Андижон Давлат Университети «Психология» кафедраси ассистенти

Хар бир жамиятда шахсни шакллантириш мақсади белгилаб олинади ва унга мос равишда педагогик тизим мавжуд бўлиши керак. Агар мақсад ўзгарса мавжуд тизим ҳам ўзгариши муқаррардир. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни бош мақсад қилиб қўйди. Чунончи, Миллий дастур таълим-тарбия соҳасидаги давлат буюртмаси ҳисобланиб, миллий истиқлол мафкурасининг моҳият-мазмунига тўлиқ мос келади. Фақат давлат буюртмасигина таълим-тарбиянинг умумий мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаб беради ёки олий таълим учун педагогик тизимнинг мавжудлик шартларини кафолатлайди.

Педагогик мулоқот деганда одатда, ўқитувчининг ўқувчи билан дарс мобайнида ва дарсдан ташқари бўладиган аниқ педагогик функцияларга эга ҳамда қулай психологик муҳитни яратиш, психологик оптимал илмий фаолият ва педагог билан ўқувчилар ўртасидаги муносабатлар учун йўналтирилган профессионал мулоқот шакли тушунилади (А.А.Леонтьев).

Бошқарув услублари бўйича биринчи экспериментал психологик изланишлар 1938 йилда

немис психологи Курт Левин томонидан АҚШда эмиграцияланган нацистларнинг Германия ҳокимиятига қайтиши давомида ўтказилган. Бу изланишда бошқарув услубларининг кенгайтирилган классификацияси сифатида авторитар, демократик ва эътиборсизлик ёки лаёқатсизлик услублари киритилган эди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, К.Левин келтирилаётган бошқарув услублари бўйича ўзининг буюк тадқиқотини муаллимларнинг мактаб ўқувчилари устидан олиб борадиган бошчилигини ўрганган ҳолда ўтказган эди.

Ўзининг экспериментида К.Левин ўн ёшга тўлган мактаб ўқувчиларини бир неча гуруҳларга бўлди. Бу гуруҳларга болалар бир хил машғулот билан, яъни кўнғироқ яшаш билан шуғулландилар. Экспериментнинг ҳаққоний ўтказилиши мақсадида гуруҳлар умумий ва хусусий белгилари бўлиши, ёши, физик ҳамда интеллектуал кўрсаткичлари, ўзаро шахсий муносабатлар тизими ва бошқаларнинг айнан мос келишига қараб ташкил этилади. Бундан ташқари, барча гуруҳлар бир хил шарт-шароитларда умумий дастур бўйича ишлайдилар, бир хил вазифани бажарадилар.

Фақатгина инструкторлар ёки бизга яқин термин

билан айтганда муаллимлар ўзларининг бошқарув услублари бўлмиш демократик, авторитар ва эътиборсизлик ёки лаёқатсизлик каби услубларда гуруҳлар фаолиятини олиб бориши билан фарқланадилар. Ҳар бир муаллим ўзига бириктирилган гуруҳ билан олти ҳафта ишлади. Ундан сўнг ўзаро гуруҳлар алмашинуви амалга оширилди. Бу гуруҳлар билан яна олти ҳафталик иш кунлари йўлга қўйилди ва яна янги гуруҳ билан алмашиш амалга оширилди. Бундай жараён экспериментни имкон қадар тўғри йўлга қўйилишида катта ёрдам беради. Бундан ташқари, юқорида келтирилиб ўтилганидек гуруҳлар умумий ва хусусий белгиларига кўра, айнан мос келишига қараб ташкил этилган эди, шу билан бирга ҳар бир муаллим ҳар қайси гуруҳ билан яна қўшимча равишда иш олиб борди. Натижада, гуруҳ омилнинг таъсири эмас, балки айнан бошқарув услубларининг гуруҳда ўзаро муносабатларидаги таъсири, фаолият мотивацияси, меҳнат натижалари ва бошқаларнинг таъсири кузатилади.

К.Левин томонидан ўтказилган экспериментда аниқланган ўқувчилар билан бўладиган мулоқотнинг у ёки бу хусусиятларини қисқача келтириб ўтамиз. Авторитар услубнинг характерли томони сифатида ундаги қаттиққўл бошқарув ва умумий назорат кўпроқ муаллимнинг бошқаларига нисбатан буйруқ овозида муносабатларга киритишига ва тез огоҳлантиришлар беришига олиб келишида кўриш мумкин. Шунинг билан баъзи иштирокчиларга нисбатан сабабсиз огоҳлантиришлар ва бошқаларига эса асоссиз мақтовлар ёғдирилиши кузатилади. Авторитар муаллим фаолият ва вазифанинг умумий мақсадларини эмас, балки у ким, ким билан ишлашини кўрсатиб унинг ечилиш йўллари ҳам белгилаб берди. Вазифалар ва уларнинг ечилиш йўллари босқичма-босқич амалга оширилиши белгиланди. Бундай ёндашув инсон фаолиятида муайян мақсадни бажаришга сабаб бўлувчи омил родини пасайтиради. Чунки инсон бунда ўзининг фаолиятидан кутилаётган мақсадини, яъни ушбу босқичнинг нима учун бажарилаётганлигини ва олдинда нима кутаётганлигини аниқ билмайди. Бундан ташқари, фаолиятни босқичма-босқич тартибга солиш ва назорат қилиш ишлари шунинг кўрсатадики, ўқитувчининг иштирокчилари билан бўладиган муносабатда унинг мустақиллиги ва жавобгарлиги ёки бу хусусиятларнинг унда паст даражада эканлиги кузатилади. Ўқитувчи томонидан амалга ошириладиган ташаббус йўқолиб, у худди кераксиз хоҳиш сифатида қаралади. К.Левиндан сўнг амалга оширилган изланишларнинг кўрсатишича ташаббус гўёки авторитар ўқитувчининг ишонч ваколатини қисқартирар экан. Айтайлик кимдир ишни бошқачароқ ташкил этишни таклиф қилса, демакки у бу нарсани олдиндан кўриб чиқмаганлигига шаъма қилаётгандек туюлар экан. Шунингдек маълум бўлишича авторитар лидер иштирокчилар муваффақиятини субъектив тарзда баҳолар экан.

Демократик ўқитиш услубида шахс эмас, балки фактлар муҳимлиги тан олинади. Аммо демократик ўқитиш услубининг асосий хусусияти сифатида гуруҳнинг ўртага ташланган масала муҳокамасида

ва унинг ташкил этилишида фаол иштирок этилиши қаралади. Натижада иштирокчиларнинг ўзига бўлган ишончи ошади ва ўз-ўзини бошқариш ҳисси рағбатлантирилади. Бу услубда гуруҳда ўзаро муносабатларда яхши келиша олиш ва бир-бирига бўлган ишонч кучаяди. Ўқитишда бошқарувнинг лаёқатсизлик услубининг асосий хусусияти бўлиб, раҳбарнинг бўлиб ўтадиган воқеа-ҳодисага нисбатан жавобгарлик ҳиссидан ўзини олиб қочиши саналади.

Натижаларнинг кўрсатишича, энг ёмон услуб лаёқатсизлик услуби бўлиб чиқди. Бу услубда вазифалар оз бажарилиб, уларнинг сифати ҳам ёмон эди. Энг муҳими, бундай гуруҳда ҳеч қандай жавобгарлик ҳисси бўлмаганлиги ва вазифалар мураккаб бўлмаган бир ўйинни эслатгани билан иштирокчилар кам даражада қониқиш ҳосил қилдилар. Авторитар услубда ўқитувчи билан келишишда кўпгина жанжаллар пайдо бўлиши кузатилади. Энг самарали услуб сифатида демократик услуб тан олинди. Гуруҳ иштирокчилари учун бу ерда характерли хусусият бўлиб вазифага қизиқиш ва ички фаолият мотивацияси хизмат қилади. Вазифаларнинг бажариш сифати ва аниқлиги ошди. Шу билан бирга гуруҳ қобилияти, эришилган умумий муваффақиятлар устидан гуруҳ туйғуси, ўзаро кўмаклашув ва дўстона муносабатлар кучайди.

Бу натижалар кейинчалик амалга оширилган изланишлар асосида кўп марта тасдиқланди. Педагогик мулоқотда демократик услубнинг афзаллиги қуйи синф ўқувчиларидан бошлаб юқори синф ўқувчиларигача бўлган турли гуруҳларда исботланди. Шу нарса ҳам маълум бўлдики, биринчи синф ўқувчиларида ўқишнинг иккинчи ҳафтасидаёқ мактабга ва ўқишга бўлган иштиёқнинг тез суръатларда сусайиши айнан авторитар ўқитувчилар бошчилик қилган гуруҳларда кузатилар экан.

Шундай қилиб, мактаб ҳаётида ва билим олишда ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан бўладиган муносабатлари муҳим роль ўйнайди. Адолат мезонига асосланган ҳолда айтиш лозимки, замонавий социал психологиянинг тасдиқлашича, шунақа ҳолатлар ҳам бўладики, баъзида авторитар услуб энг фойдали ва мақбул бўлиб чиқади.

The main roles are playing relations between pupils and teachers in school life. In this article presented some methods and means meeting in the process of discussion.

МАЪНОЛАР МАХЗАНИ

Баъзи ҳукамолардан сўрашди:

- Қайси ишлар ақлга қувват беради ва қайсилари унга зарар еткази?

- Ақлга қувват берадиган ишлар учтадир: Уламолар билан машварат қилиш, ишларнинг тажрибаси ва яхши ишонч. Ақлга зарар етказадиган нарсалар ҳам учтадир: Бир нарсада қаттиқ туриб олиш, эътиборсизлик ва шошмашошарлик.

ПСИХОЛОГИЯНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ ЖАРАЁНИДАГИ ЎРНИ

Н. АГЗАМОВА - ЎзПФТИ аспиранти

Таълим амалиётидан маълумки, ўқувчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштириши бир қатор психологик қонуниятлар асосида амалга ошади. **Психология инсон руҳиятининг ривожланиш қонунларини ўрганса, таълим назарияси таълим жараёнида шахс ривожланишининг қонуниятларини ишлаб чиқади.** Таълим жараёни самарадорлигига таъсир кўрсатадиган асосий омиллар ичида 25% самарадорлик ўқув материалига боғлиқ бўлади.

Инглиз тили дарсликларидagi ўқув материаллари ўқувчиларга назарий билимларни беришдан ташқари уларнинг ақлий жиҳатдан камол топишларини таъминлаши лозим. Билим олиш ақлий ривожланиш билан чамбарчас боғлиқ. **Шахснинг ақлий жиҳатдан ривожланишига эришиш психология фанининг долзарб муаммоси ҳисобланади.**

Айни вақтда ўқув материалларини ўзлаштиришнинг психологик асослари, шунингдек, ўқув материалларини лойиҳалашнинг психологик хусусиятларини тадқиқ этиш муаммоси бир қатор психологлар томонидан тадқиқ этилган.

Педагогик психологияга оид адабиётларда таълим-тарбиянинг таъсири оқибатида ўқувчилар психикасида содир бўладиган ўзгаришларни, ўқув материалларини ўқувчиларнинг ёш даврларига мос келишини, турли таълим методларининг психологик жиҳатдан самарадорлигини, дарсликлар, ўқув қуроллари, асбоб-ускуналар ва мактаб ишларининг тартибига бўлган психологик талаблар каби муаммоларни тадқиқ этиш педагогик психологиянинг асосий вазифаси эканлиги таъкидланади.

Олимлар инглиз тилини ўқитишнинг психология фани билан алоқадорлигини турли фикрлар билан изоҳлашади. Бу алоқа И.В.Раҳмановнинг фикрича, биринчидан, психологияни инсон нутқини фаолиятнинг муайян тури сифатида ўрганишда, иккинчидан, инглиз тилини ўқитиш таълим-тарбия жараёнининг психология қонуниятларидан фойдаланиб амалга оширилади.

Бу алоқани амалга оширишда психоллингвистика ва педагогик психологиянинг ўрни муҳимдир. Булардан ташқари умумий ва нутқ психологияси, ёш психологияси, нейропсихология ва бошқаларнинг ўзига хос ҳиссалари бор.

К.Сосницкийнинг фикрига кўра, ўқув материалларини психологик асосда тизимлаштириш таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан психологик ёндошувнинг мавжудлигини ифодалайди. Инглиз тили дарсликлари мундарижасидан ўрин олган материални психологик нуқтаи назардан тизимлаштириш асосида ўқув материалларини лойиҳалаш ўқувчиларнинг ривожланиш босқич(фараз)лари ҳамда уларни ўраб турган атроф-муҳит таъсирини мувофиқ амалга

оширилади.

Психология нутқни ташқи ва ички, актив ва пассив, оғзаки ва ёзма, рецептив ва репродуктив нутқларга ажратади ҳамда ўрганади. Ўқув материалларини ўқувчи психологиясига асосланиб, ижтимоий муҳитнинг таълим олувчи руҳиятига таъсирини ўрганиш, шунингдек, муайян шароитларнинг таъсир кучини аниқлашга алоҳида эътибор берилиб, ўрганиладиган материалларни ўқитиш тамойил ва усуллари ишлаб чиқилади.

Психологик маълумотларга кўра, тил коммуникация яъни алоқа воситасидир. Методика инглиз тилини ўқитишда коммуникативлилик тамойилига таянади.

Машҳур психолог Н.И.Жинкиннинг инглиз тилини ўргатишда киши ўқитувчининг назоратидан ўзини ўзи назорат қилишга ўтсагина кўзлаган мақсадга эришиш мумкин деган фикри қизиқарлидир.

Ташқи нутқда киши нутқни оғзаки ифодалайди, кўпинча у гапириш орқали амалга оширади. Бунда киши олдиндан фикрлаб, тайёрланиб, сўнг ташқи нутқни амалга оширади. Олдин фикрламай нутқ сўзлаш кўпинча мантиқсиз нутқни келтириб чиқаради. Ички нутқ асосан ўқувчини ўйлаши, фикрлаши асосида содир бўлади. Кўриниши жиҳатидан улар фарқланади. Ички нутқ ичда ҳосил бўлса, ташқи нутқ ташқарида ҳосил бўлади.

Олдин ички, сўнг ташқи нутқ нутқнинг мазмунли мантиқий бўлишининг гаровидир. Шунинг учун ўқувчиларга нутқ ўргатишдан олдин ички нутқ, сўнг унинг асосида ташқи нутқ ҳосил қилишни таклиф қилади, кўрсатади. Шу сабабдан, маълумот беришда инглиз тилини ўқитишда олдин ички нутқ, сўнг ташқи нутқ бажарилиши, маълумот олишда эса олдин ташқи нутқ, сўнг ички нутқ қилишга ўргатиш зарурлигини таъкидлайди.

Психология нутқни оғзаки, ёзма нутқ шаклларга ажратиб, оғзаки нутқ, оғзаки шаклда, ёзма нутқ эса ёзма шаклда амалга ошишини таъкидлаб, уларнинг содир бўлиши бўйича бир хил жараён кечишини уқтиради. Иккала шаклда ҳам олдин ички нутқ, сўнг ташқи нутқ содир бўлади, лекин биринчисида оғзаки ифодаланади, иккинчисида ёзма ифодаланади. Инглиз тили фанида нутқни ўрганишда бу ҳам ҳисобга олинади, **психология нуқтаи назаридан оғзаки нутқ ёзма нутққа қараганда ўқувчида осон кўчади, шунинг учун методика оғзаки нутқда олдин ўрганишни, сўнг шу оғзаки ўрганган материалларни ёзма нутқда ифодалаш методикасини таклиф қилади.**

Ҳозирги психология хотирани бевосита ёки дарҳол давом этган ёки узоқ муддатли, ихтиёрий, ихтиёрсиз хотираларга ажратади. Материални бевосита хотирага олиш, уни сақлай билиш ҳам муҳимдир. Бу ҳар кимда бўлавермайди.

Хотирада сақланиши зарур бўлган материал кўргазмалар (тасвирий материаллар, аудио-видео кассеталар, компьютер ишланмалари), тингланадиган (магнит ёзувлари), ифодавий (матнинг ёзма баёни), оғзаки ёки ҳаракатли (табиий ҳолда ёки ўқув воситалари ёрдамида ифодаланувчи) ҳамда ҳиссий (ўқувчиларнинг ҳис-туйғуларига таъсир этадиган) бўлиши мумкин. Ёдда сақлаб қолиниши муҳим бўлган материалга боғлиқ равишда хотиранинг бир неча турлари (кўриш, эшитиш, оғзаки, ҳаракатли ҳамда ҳиссий (эмоционал) ва ҳоказолар) фарқланади.

Ўқувчилар томонидан инглиз тили ўқув материалларини ўзлаштириш муваффақияти кўп жиҳатдан дарсликлар ўқув материалларини ҳамда таълим жараёнини психологик қонуниятларга мувофиқ ташкил этишга боғлиқ. Одатда ўқув материалнинг муайян қисми дарс жараёнида, маълум қисми эса ўқувчи дарслик билан мустақил ишлаганда ўзлаштирилади. Ушбу жараённинг самарали кечиши материалнинг дарсликда акс этиш ҳолати, ўқитувчининг таълим жараёнини лойиҳалаш маҳорати, ўқув фаолиятининг шакл, метод ва воситалари, ўқувчиларнинг фаоллиги, шунингдек, аввалги материалларнинг ўзлаштирилиш даражасига боғлиқ.

Ўқитувчи ўқувчининг идрок қила олиш қобилиятини билиши зарур. **Психологларнинг таъбирича, материални, нутқни идрок қилиш, тушуниш, хотирада пухта сақланишнинг заровидир.** Ўқитувчи ўргатаётган материални, нутқни доим ўқувчи онгли тушунсин, англасин. Бунинг учун эса доим ўқитувчи изланишда бўлиши, воситалар топа билиши, уларни қўлай олиш, идрок қилган, қилаолмаганларини текшириб туриши зарур. Идрок қилинмаган нутқ, материал ўқувчининг ёдида, эсида пухта сақланмайди.

Р.А.Зариповнинг фикрича, идрок сезги органларига таъсир кўрсатиб турган нарса ва ҳодисаларнинг инсон онгида акс эттирилишларидир. Ингиз тилини ўргатишда биз содда ва мураккаб идрокларга дуч келамиз. Содда идрокка тил материални идрок этишни, мураккаб идрокка эса товушли ёки ёзувда ифодаланган матнларни идрок этишни киритиш лозим. Идрокнинг асосий хусусиятлари шуки, улар ўтмиш тажрибага боғланган бўлиб, фаол ва танлаб олувчанлик характерига эгадир. Мана шу хусусиятлар инглиз тилини ўқитишга тааллуқлидир.

Инглиз тилини ўқитишда билимлар, малакалар, кўникмалар сингари психологик тушунчалар муҳим ўрин тутаяди. Умумий билимлар деганда билиш жараёнида олинган табиат ва жамият ҳақидаги маълумотларни тушунилади ва улар иккига бўлинади.

1. Тил материалнинг ўзини билиш.
2. Тил материали билан бажариладиган ишлар ҳақидаги билимлар.

Тил материали асосида нутқ фаолиятлари бажарилади, яъни малака ҳосил қилишга эришилади.

Б.В.Беляевнинг фикрича, кўникма онгли равишда бажарилган иш, ҳаракатдир. Масалан, бир товушни талаффуз қилиш кўникма, кўп машқ қилиш орқали

фаоллашган кўникма малакадир.

Р.А.Зарипов психологияда қўйилган мақсадга биноан қилинадиган ҳаракат усулларини танлаш ва амалга ошириш учун мавжуд билим ва малакалардан фойдаланишни кўникма деб тушунади.

Ўқувчилар она тили ва рус тилида бўлган билим, малака ва кўникмалари ёки шу тилларда бўлган тажрибаларни кўчирганда, улар чет тилини ўрганишда фойда берса, бу ижобий кўчишни транспозиция, салбий таъсир қилса, халал берса, уни интерференция дейилади.

Юқорида айтилган фикрни, 5-6 синфларга талаффузни ўргатиш мисолида кўриб чиқиш мумкин. Ўқувчи она тили, рус тили талаффузига ўрганиб қолгани учун кўпинча инглизча товуш, сўзларни худди она тили ва рус тилларидек талаффуз қилади. Унда баъзи инглизча товушларни талаффуз ўрни, она тилига тўғри ёки яқинроқ келади. Бундан ўқитувчи фойдаланиб, шу ўзбекча товушга яқинроқ ёки ўхшатиброқ талаффуз қилинг деб ўргатади.

Бу эса инглизча талаффузни ўргатишга ижобий ёрдам, фойда беради.

Инглизча товушларнинг баъзилари талаффуз қилиниши бўйича она тили ва рус тилларидан кескин фарқ қилади. Ўқувчи кўр-кўрона она тили ва рус тилларининг тажрибаси асосида уларга ўхшатиб талаффуз қилади. Натижада хато талаффуз қилинади, янглишиш, тўғри талаффуз қилишга она тили тажрибаси халал беради, бу эса салбий таъсир қилади. Мисол учун инглизча (р) товуши кўпинча она тилидагидек (з) талаффуз қилинади.

Бу салбий, ижобий таъсир лексикани, грамматикани, гапиришни, ўқишни, ёзувни ўргатишда ҳам содир бўлади. Ўқитувчи буларни олдиндан аниқлаб, ижобий таъсир қилса, ундан ўргатишда фойдаланиши, салбий таъсир қилса олдини олиш, йўқотиш йўллари излаши, ишлаб чиқиши зарур.

Шу сабабдан инглиз тилини ўқитиш психология билан узвий боғлиқ. У психологиядан билимни, кўникмаларни ҳосил бўлиши ва малакаларни ошириш йўл-йўриқларини, педагогик психологиядан эса таълим-тарбия беришнинг хусусиятларини ўрганади.

Методика нутқ психологиясидан эса нутқ жараёнининг турли томонларининг хусусиятларини ўрганиб, фойдаланилади.

Ўқув материални эса сақлашнинг икки хил: механик ва мантиқий (логик) турлари мавжуд. Материалнинг маъносини тушуниб ёки мантиқан (логик) ёдда олиб қолиш жараёнида ўқувчининг фикрлаш ва мантиқий тафаккур юритишга ундайдиган маълумотлар алоҳида аҳамиятга эга. Бу тўғрисида М.Г.Давлетшин куйидагича фикр билдиради: "Ўсмирлик даврида ўқувчиларга бериладиган ўқув материалнинг ҳажми катта бўлгани учун ҳам уни эслаб қолиш ёки бир неча марта такрорлаш йўли билан ўзлаштирилиши қийин. Бунинг учун ўқувчи ўқув материалнинг мазмунини таҳлил қилиши, ундаги мантиқий тузилишни билиши муҳим".

Ўқувчи томонидан ўзлаштирилиши зарур бўлган ўқув материалнинг айрим қисмлари ва элементлари ўртасидаги маъно ва мантиқий боғланишлар кенг кўламда фикр юритиш асосида англанади. Ушбу

Ўринда ўқув материалнинг муаммоли баён этилиши алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис, мавзу мазмунининг ўқитувчи томонидан муаммоли таълим технологиясига таянган ҳолда ёритилиши ижобий натижаларни беради.

Инглиз тили дарсликларидида матнда ифодаланган асосий тушунчаларни маълум белгилар ёрдамида қайд этиш, ўқувчиларнинг инглиз тили фани асосларидан чуқур билимларга эга бўлишга олиб келади. Чунончи, ўқувчи инглиз тили дарсликларидида ифодаланган шартли белгилар воситасида ўзлаштирилиши лозим бўлган ўқув материалнинг асосий мазмунини аниқ ажратиб олишга муваффақ бўладилар.

Ўқорида баён этилган адабиётлар мазмунининг таҳлили ва фикр мулоҳазалардан маълум бўлдики, инглиз тили дарсликлари ўқув материалларини лойиҳалашда психологик қонуниятларга алоҳида аҳамият бериш ҳамда илмий-психологик асосларини янада такомиллаштириш зарур. Психология асосларидаги фанлар инглиз тилини ўқитишни илмий, амалий негизда ишлаб чиқишга ёрдам бермоқда.

Introduction to the training process some interactive games or making scenes in the first place assisting in better understanding and spiritual rising.

ТАРБИЯЧИ КАСБ ФАОЛИЯТИДА ПЕДАГОГИК ҚОБИЛИЯТЛАРНИНГ РОЛИ

Я.НУРУМБЕКОВА - ГулДУ «Педагогика ва психология» кафедраси ўқитувчиси

Ўзбекистон тараққиётининг бош ғояси – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Бинобарин, озод ва обод давлатнинг фуқаролари комиллик сари интилиб яшаш мақсадини ўз олдига қўяди. Юртбошимиз И.А.Каримов “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарида Ўзбекистон тараққиётининг маънавий-ахлоқий асослари тўғрисида фикр юритиб, истиқлол шароитида талаба ёшларни билим, кўникма ва малакаларни пухта эгаллашлари билан бирга мустақил фикрга эга бўлган, ғоявий, мафқуравий жиҳатдан чиниққан, касбий маҳоратини мустақил ватанимизнинг равнақи йўлида фидокорона сафарбар эта оладиган руҳда тарбиялаш лозимлигини долзарб вазифа қилиб қўйди.

Ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий барқарорлиги ўша жамият фуқароларининг маънавий-ахлоқий, интеллектуал ва касбий салоҳияти даражасига боғлиқ. Шундай экан, маънавий-ахлоқий ва касбий жиҳатдан тўлақонли шаклланмаган шахсда ўз ватани, миллати, эгаллаган касб-кори билан фахрланиш туйғуси саёз бўлади. Бу ҳолат Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига хос шарт-шароитларида яққол кўзга ташланмоқда. Бу борада Президент И.А.Каримов “Маънавият тарбиянинг энг таъсирчан қуроли экан, ундан оқилона фойдаланиш, болаларимизни ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳақсеварликка ўргатиш керак бўлади. Аслини олганда, ахлоқ маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, хушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ – бу аввало инсоф ва адолат туйғуси, имон, ҳалоллик...”¹ эканлигини алоҳида ўқитиб ўтган.

Ушбу методологик фикр ва тадқиқот ишланмаларимиздан келиб чиқиб, шуни айтиш лозимки, агар тарбияланувчи-ўқувчи ўқув-билув ва тарбиявий фаолиятнинг мақсадини билмаса, тарбиячи-ўқитувчи томонидан қўйилган вазифаларни тушунмайди ҳамда қабул қилолмайди. Тарбияланувчи-ўқувчининг мажбурияти қизиқиш асосида бўлмай, балки мажбурий, сунъий ва лозим

бўлса тазйик остида содир бўлади. Тарбияланувчи-ўқувчи дарслик мазмунидаги мавзуларни шунчаки кўр-кўрона муносабатларни куруқ ёдлаб олишга мажбур бўлади. “Ўқитувчи-ўқувчи” ва “Тарбиячи-тарбияланувчи” муносабати “субъект-субъект” муносабатлар даражасига кўтарилмас экан, тарбияланувчи-ўқувчида тарбия жараёнига ва билим-кўникма, малакаларни эгаллашга нисбатан бефарқлик вужудга келади. Олиб бораётган изланишларимиз ўқувчининг шахсий, субъектив тафаккури ривожига асосланган мустақил фикрини шакллантириш учун тарбиячининг касбий фаолиятини технологиялаштириш, педагогика фанида ечимини кутаётган долзарб муаммо эканлигини таъкидлайди. Тадқиқот ишларимиз натижаси шуни кўрсатдики, тарбиячи-ўқитувчида қуйидаги педагогик қобилиятлар бўлиши зарур.

1. **Тарбиячилик қобилияти** – тарбиячилик-бу юксак даражадаги санъат бўлиб, шахсни ижтимоий ҳаёт талабларига жавоб бера олиш қобилиятини билдиради. Тарбиячилик қобилияти шахсни тарбиялашга эмас, ўз-ўзини тарбиялай олишга йўналтира билишда қарор топади. Бугунги тарбиянинг мақсади ҳам айнан мустақил фикрлай оладиган ва ўз-ўзини тарбиялаш қобилиятига эга бўлган шахсларни шакллантиришга қаратилган. Тарбия миллий хусусиятга эга бўлганлиги боис, шахснинг тарбиячилик қобилияти миллий анъана, урф-одатлар ва миллий қадриятларни турмуш ва воқелик билан боғлай олишида кўринади. Ана шундай тарбиячи таълим ва тарбия жараёни бола шахсига мувофиқлаштира олади. Комил шахсни шакллантириш воситалари ва йўл-йўриқларини излаб топади. Таълим-тарбиянинг изчиллиги ва уйғунлигини таъминлайди. **Тарбиячи-ўқитувчи ўзидаги барча яхши хислат ва фазилатларни кўрсатиб, ибрат-намунга бўла олсагина ундаги қобилиятлар тарбиявий аҳамият касб этади.** Шахснинг тарбиячилик қобилияти миллий тарбиянинг асосини ташкил этади. Тарбиячининг тарбиячилик қобилияти асосида миллий тарбия ривожланади.

2. **Ташкилотчилик қобилияти** – таълим-тарбия ишини самарали йўлга қўйишда тарбиячи-ўқитувчининг ташкилотчилик қобилияти алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Бунда синф ёки гуруҳ жамоасини уюштири олиш, ҳар бир тарбияланувчи-ўқувчи ёки талаба билан индивидуал шуғулланиш учун уларни ёш, жинс ҳамда якка тартибдаги хусусиятларини билиш, ўқувчи-талабаларни хоҳиш-истаклари, муаммоларини эшитиш ҳамда уларнинг ечимини топишда кўмаклашиш, қўшимча дарслар, тўғараклар, тарбиявий дарслар ўтказишга оид тегишли шарт-шароитлар яратиш, туғилган кунлар, байрамлар, ҳар хил тадбирлар, ўқувчи ва талабаларнинг таътиллари ҳамда маданий дам олишларини уюштириш каби ишлар киради.

3. **Коммуникатив қобилият** – “тарбиячи-тарбияланувчи”, ота-оналар, жамоатчилик, маҳалла ва бошқа ташкилотлар билан тўғри муносабат ҳамда касбий-маданий алоқалар ўрнатишга қаратилган. Тарбиячилик-ўқитувчилик иши ижтимоий характерга эга бўлганлиги боис, ҳар бир ўқувчини индивидуал хусусияти, одоби, ижтимоий аҳволи, режалари, орзу-истакларини билиш тарбия ишида самарадорликка эришиш гарови ҳисобланади. Тарбиячи-ўқитувчи шахслараро муносабатларда вужудга келадиган муаммоларни ҳал этишда тўғри муомала ва мулоқотни йўлга қўйиши муҳим аҳамият касб этади.

4. **Перцептив қобилият** – тарбиячи-ўқувчи ва тарбияланувчи-ўқувчи, талабанинг қалбига йўл топа олиш, ўз навбатида уни қалбан ҳис этиб, ўзининг ўрнига қўйиб кўра билиш, ёшларни руҳий-маънавий оламини ўрганиш, унга объектив баҳо бериш, уларнинг психологик хусусиятини билган ҳолда кайфияти, ҳиссиёти, диққати ва бошқа психик жараёнларини ўрганиб бориш тарбиячининг перцептив қобилиятини ташкил этади. Баъзан тарбиячи-ўқитувчини жаҳл ёки серзардалик билан иш юритиши талаба онгидан кўра ҳиссиётга кўпроқ таъсир кўрсатади. Тажанинг тарбиячилар арзимаган иш учун тарбияланувчиларнинг асабларини таранг қилишади. Бу ҳол “тарбиячи-тарбияланувчи” муносабатига путур етказиши. Шунинг учун тарбиячи доимо ўзининг ҳис-туйғуси ҳамда эҳтиросини бошқара олиши лозим.

5. **Информацион қобилият** – тарбия жараёнининг боши яъни бошланиши ҳисобланиб, тарбиячини қанчалик ахборот ола билиш қобилияти, уни атрофлича ўрганиб, таҳлил этиб, тарбияланувчи талабанинг ёши, онги, дунёқарашига мос равишда етказиб бера олишида ўз ифодасини топади. Бу ерда тарбиячининг оғзаки нутқ маҳорати ва уни қандай анъанавий ҳамда интерфаол методлар асосида етказиб бера олиш санъати ҳал қилувчи аҳамиятга эга ҳисобланади. Бунда қайтар алоқа ва унинг самарадорлиги ўқитувчининг информацион қобилияти даражасини белгилайди.

6. **Дидактив қобилият** – тарбияланувчи-ўқувчи, талабани билим олишга бўлган қизиқишларини аниқлаш, мустақил фикри, мантиқий ва аналитик тафаккури асосида эгаллаётган билим, кўникма ва малакаларини ўрганиб бориши, бу жараёнда эгаллаётган билимлар қай даражада кўникма ва малакаларга айланаётганлиги муҳимдир.

Тарбиячининг ҳам, тарбияланувчининг ҳам қобилиятлари муайян фаолият жараёнида юзага чиқади ва ривожланади. Бугунги тарбиячи-тарбияланувчини ўқитиш эмас, балки мустақил фикр ривожини асосида билимларни эгаллаши сари йўналтириши ва бунинг учун тегишли шароитлар яратиш бериши лозим.

7. **Йўналтирувчи қобилият** – мотивлар ва мотивация билан боғлиқ бўлиб, эркин фикр, қизиқиши, ҳавас, интилиш ва орзу билан боғлиқ бўлади. Шахс фаолиятини бошқарувчи, уни йўналтирувчи асосий ғоя унинг мақсади ва вазифаларини белгилаб беради. Шахснинг маънавий-ахлоқий ва касбий дунёқарашининг ривожланишига ундовчи мотивлар етакчилик қилади. Бу жараён шахснинг ижтимоий фаоллигини таъмин этади.

8. **Сафарбар этувчи қобилият** – бугунги давр ривожини ва талабидан келиб чиқиб, тарбиячи-ўқитувчини иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, ижтимоий ва касбий маданий муносабатларнинг нақадар долзарблиги, ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этишнинг зарурлиги, назарий-методологик билимларни амалиёт даражасига олиб чиқишнинг ўта муҳимлигини англаб етиш билан боғлиқ равишда ҳал этилади. Ўз навбатида тарбиячи-ўқитувчи тарбияланувчи-ўқувчиларни ўқув-билув, маънавий-тарбиявий ишларни ўз вақтида бажаришга онгли ва асосли равишда сафарбар эта олишида кўринади.

9. **Ривожлантирувчи қобилият** – таълим-тарбия ривожининг уйғунлигида амалга ошириб, бунда тарбиячи-ўқитувчи тарбияланувчи-ўқувчини ҳиссий-ифодавий, дидактик, йўналтирувчи, сафарбар этувчи, янгиликка интилувчанлик ва илмий-ижодкорлик қобилиятларини мақсадли равишда ривожлантира олишда ифодаланади.

10. **Креатив қобилият** – бу тарбиячи-ўқитувчининг алоҳида ўзига хос қобилияти бўлиб, ўз онгида янги тушунчаларни ўрганиш, уни таҳлил этишдан бошланиб, янгиликка интилиш, ўз соҳаси бўйича янги ахборотларни тўплаш, уни алоҳида дастур ҳолига келтириб, таълим ва тарбия жараёнига татбиқ эта олиш билан белгиланади. Педагогик инновация фаолияти мутлақо янги кашфиётлар қилиш, бор янгиликларни ўрганиб, умумлаштириб амалга татбиқ этиш ва педагогик жараёнда муаммоли вазиятлар ечимини топиш, сифат ва миқдор таҳлилини ўтказиш, моделлаштириш каби ижодий ишлар тарбиячи-ўқитувчининг креатив қобилиятини кўрсатади. Бу қобилиятнинг энг юқори чегараси акмеологик тизимини йўлга қўйишда ўз ифодасини топади.

11. **Гностик (тадқиқотчилик)** – қобилият-тарбиячи-ўқитувчини изланишга, ижодий меҳнатга, илм-фанга қизиқишга, муаммолар ечимида мақсад ва вазифалар қўя билишга, аҳамиятига қараб илмий-амалий фактларни тўплаб олишга, муайян илмий фараз ечимини топишга, илмий тадқиқотчилик иши билан шуғулланишга, илм орқали билим бериш принципи асосида фаолият юритишга ундайди.

Шундай қилиб тарбиячи-ўқитувчилар баркамол шахсни тарбиялаш фаолиятида юқоридаги қобилиятларни мақсадли шакллантиришлари зарур.

ДАРС ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ

З.Р.АБДУЖАББОРОВА – ТДПУ аспиранти

Республикамызда таълим соҳасида амалга жорий қилинаётган ижобий ислохотларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш, унинг эришаётган ютуқларини мустақамлаш, мутахассисларни тайёрлаш учун ҳам қулай шарт-шароитларни ташкил этишга катта имкониятлар яратилмоқда. Таълим унсурлари ва меҳнат бозоридаги мутахассисларга бўлган талабларни ошириш, таълим дастурлари унсурларининг мажмуи, сабаб-оқибатларини ўрганиш давр талабидир. Бу талаблар мутахассисларни тайёрлаш жараёнида умумий ва хусусий аҳамиятга эга. Мойиллик кўрсаткичлари бўйича таълим дастурларининг унсурлари тақсимланиш тамойилларига кўра мутахассис маълумоти даражасига қўйиладиган талаблар ҳақидаги ахборотларни тизимлаштириш асосида амалга оширилмоқда. Янги миллий таълим стандартларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, янги дарсликлар ва махсус ўқув қўлланмаларни яратиш орқали таълим тизимининг мазмуни тубдан такомиллаштирилди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек: «Устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида аввало шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз керак».

Бу жараёнда касб-ҳунар коллежларида инглиз тилида матн ўқитиш орқали касбга йўналтириш ҳам муҳим омиллардан бири эканлиги эътибордан четда қолмаслиги лозим. Бу масалани муваффақиятли ўтказиш учун инглиз тилида ўқитишда янги услублардан фойдаланиш тавсия этилади. Жумладан, инглиз тилида кўшимча матн ўқитиш. Касб-ҳунар коллежларида чет тилини ўқитиш ривожини кўриб чиқиш учун таълим тизимини бошқа соҳалар ва интеллектуал фаолият тизимларидан ажратиб ёки четлаб қўймаслик керак, аксинча таълимни, айниқса чет тили ўрганишни амалиётнинг бошқа турлари ва шакллари билан узлуксиз боғлаб бориш лозим. Шу муносабат билан таълим интеллектуал фаолият ва амалиёт турларининг барча хилма-хилликларини ривожлантириш воситаси сифатида қаралиши яхши натижалар гаровидир. Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларига инглиз тили умумтаълимий мақсадда ўқитилади. Ўқувчилар олдидаги вазифа берилган янги матнни ўқиб ахборот олиш, яъни берилган матнни ўқиб, мазмунини чуқур тушуниш ва шу матн юзасидан турли шароитларда фикр олишдир.

Ўқитувчиларнинг ҳам ўқувчи олдидаги масъулияти катта. У ҳеч қачон дарс мобайнида бирон-бир усулни мунтазам қўллаб, қолганларини кўздан қочириши мумкин эмас. Ўқитувчи ҳар доим изланишда бўлиши керак.

Бугунги кунда ўқувчиларни янги педагогик технологиялар асосида ўқитиш долзарб масалалардан биридир. «Технология» тушунчаси юнонча сўз бўлиб, «санъат», «маҳорат» деган маъноларни англатади. «Таълим технологияси» тушунчаси «таълим бериш санъати», деган маънони ифодалайди. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, касб-ҳунар коллежи ўқувчиларига инглиз тилида матн ўқитишда янги технологиялардан унумли фойдаланиб, уни самарали ташкил этиш, таълим стандартларига мослаштириб, жаҳон андозалари даражасига кўтариш, ўқувчилар билимдонлиги ва инглиз тилига нисбатан муҳаббатларини ошириб, фаолликка чорлашимиз даркор.

Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларига инглиз тили умуммиллий мақсадда ўқитилар экан, уларга ажратилган дарс соатларини замонавий методлар билан олиб борилса, дарс унумдорлиги суръати ошади. Чунки анъанавий усулда дарс ўтилганда ўқув фаолияти ўқитувчи фаолиятига асосланади, замонавий усулда эса ўқув фаолияти интерактив яъни ўқувчи фаолиятига асосланади.

Дарс ўтиш усуллари	Ўқитувчи роли	Ўқувчи роли
Анъанавий усул	Эксперт, фактлар ҳақида ахборот берувчи	Пассив тингловчи, доим ўқувчи
Замонавий усул	Ҳамкор, баъзан ўқувчи	Ҳамкор, баъзан эксперт

Таъкидлаганимиздек ўқувчи фақатгина дарс режаси асосида, бир йўналишда дарс бермасдан қизиқарли савол-жавоб, анкета, замонавий педагогик технологиялардан, ҳаётий кузатишлардан фойдаланиши лозим. А1-машқни ўқинг, А2-машқни ёзинг, дарс фаолиятини олиб бориб, шу билан чегараланмаслик керак. Ўқувчи қалбда зўр иштиёқ, меҳр-муҳаббат уйғотиш даркор. **Педагогик маҳорат билан бир қаторда, психологик маҳорат билан ҳам ҳар бир ўқувчи шахсига психик ёндашиш самарали натижа бўлиб, ўқувчининг фикрларини тинглаш, уни ҳурмат қилиш, хатоларини эҳтиёткорлик билан тўғрилаш ва энг муҳими ўқувчи билан ўқитувчи ўртасидаги муносабатни илиқлаштириб, ўқитувчини ҳар қандай педагогик қийин вазиятдан олиб чиқишга кўмаклашади.** Ўқув жараёнида эса бир хилликдан қочиб, янги усулдан фойдаланмоқ лозим. **Масалан: «Ўқиб тасвирла» технологиясини олиб қарайлик: Ўқувчилар берилган матнни ўқиб, уни қандай тушунган бўлсалар, шундай ҳолда расм орқали тасвирлашади. Бунда**

Ўқитувчи савол-жавоб қилмай туриб, қисқа вақт ичида чизилган расмлар орқали ўқувчи қай даражада матнни тўғри қабул қилганини аниқлайди. Бу усул ўқувчини дарс мобайнида фаол иштирок этишга ундайди. Масалан: my room. There is one window in my room. There are white curtains on the window. Under the window there is a desk. There's a vase on it. There are three roses in the vase. To the right of the window there is lamp in front of the desk there is a chair. There is a computer to the left of the desk and there is a box of computer discs under the computer. On the wall behind the computer there is a calendar. There are two pictures on the wall to the left computer. There is a picture between the lamp and the door. There's a lamp above the picture. There is a bed near the wall. Near the wall there is a table with a telephone on it. There are pillows on the bed. There is a rug near the bed. There is a sofa near the door and there is a cat on the sofa. To the right of the window there is a stereo. (Менинг хонам. Хонамда битта дераза бор. Деразага оқ пардалар илинган. Деразанинг тагига ёзув столи қўйилган. Столда гулдон бор. Гулдонда 3 дона атиргул. Деразадан ўнгда лампа, стол ёнида стул. Столнинг чап томонида компьютер турибди ва компьютернинг тагида дисклар солинган кути бор. Компьютернинг орқасидаги деворга календарь илинган. Календарнинг чап тарафидаги деворда 2 та сурат бор. Лампадан юқорида ҳам сурат турибди. Деворнинг олдида каравот қўйилган. Деворнинг олдида стол ва унда телефон турибди. Каравотда ёстиқлар бор. Каравотнинг ёнида гилам бор. Каравотнинг олдида диван ва унда мушук ётибди. Деразадан ўнг тарафда магнитофон бор). Ушбу матнни ўқувчилар ўқийди, тасвирлайди. Тасвирда матндаги деталлар қолганлиги аниқ бўлса, ўқувчи тўплаган рейтинг шунчалик кўп бўлади.

Айни дамда ўқувчилар билан мустақил иш олиб боришга жалб этиш таълим соҳасида кенг жорий қилинмоқда. Касб-хунар коллеж ўқувчиларига инглиз тилида қўшимча, мустақил равишда ўқиш учун матн берилганда уларни қизиқтириш мақсадида қўйилган усулни қўллаш мумкин бўлади.

Ўқувчиларни индивидуал равишда берилган матн

мазмунини ўзгартирмаган ҳолда, маънодош ибора ва сўзлар билан матнга ўзгантиришлар киритадилар. Масалан: «On Sundays we children sometimes go to the park with Father and Mother. We go there early. We take our dog with us. He runs in front of us. His name is Rex. He is only two years old, but he is a very big dog». (Якшанба кунлари отам ва онам билан биз истироҳат боғига борамиз. Биз у ерга эрта борамиз. Биз ўзимиз билан кучугимизни бирга олиб борамиз. У биздан олдинда югуриб юради. Унинг номи Рекс. У эндигина 2 ёшга тўлган бўлса ҳам, катта кўринади). Ўқувчилар томонидан киритиш мумкин бўлган ўзгантиришлар қуйидагича: Sometimes – often, to the park – to the garden, with Father and Mother – with parents, early – in the morning, our dog – our cat, in front of us – behind us, two years – three years, is a very big dog – is not a big dog. (Баъзан – тез-тез, истироҳат боғига – боққа, дадам ва ойим билан – ота-оналарим билан, вақтли – эрталаб, бизнинг итимиз – бизнинг мушугимиз, биздан олдин – биздан кейин, икки йил – уч йил, катта ит – кичикроқ ит). Берилган матнга ўқувчилар томонидан киритилган ўзгантиришлар гуруҳда муҳокама қилинади ва бу усул орқали матн тўлатқис ўзлаштирилади. Бундай ноанъанавий усулдан фойдаланганда ўқув жараёнида ўқувчи фаол иштирокчига айланади, дарс жараёнида ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш билан таълим соҳасида ижобий натижаларга эришиш мумкин бўлади.

Адабиётлар

1. Каримов И. «Юксак маънавият – енгилмас куч», -Т.: Маънавият, 2008, 61-бет.
2. Жалолов Ж. «Чет тили ўқитиш методикаси». -Т.: Ўқитувчи, 1996, 368-бет.
3. Ширинова Н.Д. «Инглиз тили дарсларида академик лицей ўқувчиларининг билими фаоллигини ошириш». -Т.: ТДПУ, 2006, 143-бет.

By using non-traditional methods in training process presented in the article, pupils are becoming active participants, thereby increasing educational activity and ability to reach positive results.

ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ

Т.УТЕБАЕВ - ҚДУ катта ўқитувчиси
М.АЙТИМБЕТОВ - Низомий номидаги ТДПУ аспиранти

А уғатларда моҳирлик – бу инсоннинг ҳаётини тажриба ва ўзлаштирилган билимлари асосида аниқ ва онгли равишда амалий ва назарий ишларни тез ва самарали бажаришга тайёр бўлиши, ўз ишига маҳорат билан ёндошиш эътироф этилади. **Ўқитувчи эса икки томонлама маҳорат эгаси бўлиши лозим. Биринчидан, ҳар бир шахснинг психологиясидан келиб чиқиб, уни нимага**

ўргатиш лозим эканлигини чуқур англайдиган инсон бўлса, иккинчидан, ушбу шахсга таълим-тарбия бериш йўллари биландиган шахсдир. Демак, ўқитувчининг моҳирлиги билан маҳорати ҳамоҳангдир. Ўқитувчининг ўз ишига моҳирлиги унинг ижодий имкониятлари, эҳтиёжлари ҳамда қобилиятларини чегара билмайдиган ривожланиши сифатидаги хусусиятидир. Ўқитувчининг маҳорати унинг фаолияти жараёнида намоён бўлади.

Педагогика оламида ўқитувчининг маҳорати унинг самарали натижаларга эришиши, педагогик фаолиятининг юқори даражаси сифатида тушунилади. Ўқитувчининг педагогик маҳорати - бу таълим-тарбия санъатининг юқори ва доимий равишда ривожланиб, такомиллашиб борадиган санъатидир. Маҳорат турли хил педагогик масалаларни самарали ечишда, шунингдек, ўқув-тарбиявий ишларни талаб даражасида ташкил этиш жараёнида намоён бўлади. Лекин бу маҳоратнинг мазмуни ушбу фаолиятларни вужудга келтирадиган ўқитувчининг шахсий сифатлари билан боғлиқ. Демак, педагогик маҳоратнинг мазмунини чуқур англаш учун даставвал педагогик фаолият нима эканлигини тушуниб олоғимиз лозим.

Ҳар қандай фаолият сингари педагогик фаолият ҳам ўз компонентларига эга. Булар: мақсад, объект, субъект ва восита.

Педагогик фаолиятнинг **мақсади** асосан жамият томонидан белгиланади, яъни унинг фаолияти жамиятнинг келажаги бўлмиш ёшларни ҳар томонлама етук шахс сифатида тарбиялашга қаратилмоғи лозим.

Педагогик маҳоратнинг **объекти** - бу инсондир. Инсон жамиятнинг фаол иштирокчиси бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга ва бу ўқитувчидан ҳар бир шахсга ўзига хос ёндошишни талаб этади. Шунингдек, жамият ривожини билан инсон онги ва тафаккури ҳам ўзгариб боради. У эса ўқитувчидан мунтазам ижодий изланишни талаб этади.

Педагогик фаолиятнинг **субъекти** - бу ўқитувчи, ота-оналар ва жамоадир. Ўқитувчи шахси, унинг билим ва кўникмалари тарбияланувчиларга маънавий-ахлоқий таъсир кўрсатади. Бу эса ўқитувчидан ўзини маънавий жиҳатдан бойитиб боришини талаб этади.

Ўқитувчининг асосий **тарбия қуроли** эса унинг меҳнати, мулоқот маданияти, ўқиш, ўйин каби турли хил фаолиятлар.

Ҳақиқий ўқитувчи педагогик фаолиятнинг юқоридаги компонентларидан қандай фойдаланишни, яъни таълим-тарбия мақсадини тўғри қўйиб, субъект ва объектни янги педагогик технологиялар асосида фаоллаштиради ҳамда шунга мос воситаларни тўғри танлай ва қўллай олади. Айнан шундагина ўқитувчининг касбий маҳорати юзага чиқади. Демак, **ўқитувчининг маҳорати** унинг касбий педагогик фаолиятини самарали ташкил этишига доир шахсий сифатлар мажмуи билан белгиланади. Бу сифатларга ўқитувчининг:

- педагогик билими; - педагогик заковати; - педагогик қобилияти; - педагогик техникаси киради.

Ўқитувчининг фаолияти асосан учта объектга йўналтирилгандир.

Биринчидан, шахс сифатида ўқитувчи фаолиятининг ўз-ўзига йўналтирилганлиги. Бунда ўқитувчининг:

- «Мен» образини назарда тутилади, яъни ўқитувчи ўзининг қандай инсон эканлигини англаб етади. Масалан, «Мен жуда қаттиққўлман, шунинг учун болаларга нисбатан эътиборли ва тўзимли бўлишим керак», - сингари ўз нуқтаи назарига эга бўлиши;

- мустақил бўлиши, яъни у ўз кучи ва билимига ишониши ва уни такомиллаштириб бориши лозим;

- психологик ва физиологик саломатлиги, ўз-ўзини ҳимоя қила олиши. Бунда масалан, ўқитувчининг дарсда ҳис-ҳаёжонларини бартараф этиши, дарсни юқори кайфият билан олиб бориши, ҳар қандай шароитда ҳам асаб толаларини сақлаган ҳолда ўзининг тетик ҳолатини бузмаслик ва ҳ.к;

- ўз қадрига етиши, яъни ўзи ва ўз кучига ишонган ҳолда моҳир ўқитувчи эканлигини англаши;

- ўз маҳоратини доимий равишда ошириб бориши.

Иккинчидан, ўқитувчи фаолиятининг бошқа шахсларга, жумладан, ўқувчи шахсига йўналтирилганлигидир. Бунда ўқитувчининг:

- ўқувчиларга инсонпарварлик нуқтаи назаридан муносабатда бўлиши;

- ўқувчиларнинг ишончига кириши;

- ўқувчиларга турли хил вазиятларда ёрдам бериши;

- ўқувчиларни қўллаб-қувватлаши;

- бир-бирини тушуна билиши;

- ўқувчининг фикрларини тўлиқ ёритишига шароит яратиши;

- ўз қобилиятлари, имкониятлари ва ўзлигини англашига ёрдам бериши;

- ҳокимлик қилиши, яъни ўқувчиларни бошқара олиши;

- мулоқотга кириша олиши.

Учинчидан, ўқитувчининг ўз фаолиятига йўналтирилганлиги. Бунда ўқитувчи ўзининг педагогик фаолияти жараёнида педагогик жамоа орасида:

- ўз ижтимоий мавқеига эга бўлиши;

- ўз тарафдорларига эга бўлиши;

- ўз билими ва тафаккурини ошириб бориб, янгилик сари интилиши;

- самарали натижаларга эришиши;

- ўз фаолиятини самарали ташкил этиши;

- тажриба орттириши;

- иш шароитини яратиши;

- ижод этиши.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. -Т.: Ўзбекистон, 1994 й.

2. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, 1997.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998й.

4. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. -Т.: Издательско-полиграфический творческий дом им.Чулпана. 2005.

5. А.Мунавваров. Педагогика. -Т.: - 1996й


6. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. -Т.: -2004 й

7. Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчилари маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари. -Т.: 1993.

8. Педагогик маҳорат. (Маъруза матнлари). Тузувчилар Г.Ж.Бердиев, К.Қ.Мамедов. -Т.: ТошДАУ нашр таҳририяти бўлими. 2002.

9. Расулова Л. Педагогик маҳорат фанидан маърузалар матни. ФарДУ-2002 й.

фаолиятини назорат қилиш жараёнини, мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида, тизимли ёндашув усулида ўрганиш қўтилган натижани бериши мумкинлигини ҳисобга олиб, ушбу тадқиқотда «Ўқитувчининг педагогик фаолиятини назорат қилиш жараёни» тизим сифатида талқин қилинди. Бунда тизим ўзаро алоқадорликда бўлган, бир бутун (яхлит) ликни таъминловчи қисм (элемент)лар йиғиндиси деб тавсифланди ҳамда унинг «назорат мақсади», «назорат қилинувчи», «назорат мазмуни», «назорат қилувчи», «назорат шакли, тури, усули ва воситалари» каби таркибий қисмлари намоён қилинди (1-расм).



1-расм. Назорат қилиш тизими таркибий қисмлари: 1-текширилувчи (мехнат таълими ўқитувчиси), 2-назорат мақсади, 3-назорат мазмуни, 4-педагогик назорат жараёни, 5-назорат шакли, усули, воситалари, 6-текшириувчи.

Мехнат таълими ўқитувчиси педагогик фаолиятини назорат қилиш жараёни тизим сифатида фаолият кўрсата бориб, у ўзидан каттароқ (яъни бир поғона юқори турган) «Педагогик тизим» деган тизимга бир қисм (элемент) бўлиб қиради.

Ўз навбатида мехнат таълими ўқитувчиси педагогик фаолиятини назорат қилиш тизимининг таркибий қисмлари ҳам бир поғона пастдаги тизимлар ҳисобланиб, улар ҳам ўзларидан кичик бир неча қисмларга бўлиниши мумкин. Мехнат таълими ўқитувчиси педагогик фаолиятини назорат қилиш тизими, юқорида кўрсатилганидек, «Очиқ тизим» бўлиши, у ўз функциясини тўлиқ бажариши учун унинг ташқи алоқаларини намоён қилишга эҳтиёж туғилади.

Шу боис ишда назорат ўтказиш мактаб, халқ таълими органлари, жамоатчилик олдида турган кўп қиррали фаолият бўлганлиги туфайли уни мехнат таълими фани услубий бирлашмаси аъзолари, мактаб раҳбарлари, махсус назоратчилар томонидан ҳамда назорат натижаларига кўра мехнат таълими ўқитувчисининг олий ўқув юртида эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини тўлдириш ва ривожлантириш, ўқитувчининг ўз устида ишлашни вилоят, шаҳар, туман кўламида ўтказиладиган семинар, конференцияларда иштирок этишини йўлга қўйиш орқали амалга ошириш каби алоқалари муҳокама қилинган.

Мехнат таълими ўқитувчиси педагогик фаолиятини назорат қилиш очиқ тизим сифатида ўзидан юқори поғоналарда турувчи педагог

кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими билан ҳам алоқадорликда бўлади. Мазкур тизим мехнат таълими ўқитувчисига жамият томонидан юклатилган барча вазифаларни бажариши учун олий ўқув юртида педагогика, психология, методика, техника-технология, ишлаб чиқариш асослари ва ҳ.к. бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини бойитишга, касбий маҳоратини юксалтиришга кенг имкониятлар яратиб беради.

Тизимлар назариясига мувофиқ меҳнат таълими ўқитувчиси педагогик фаолиятини назорат қилиш тизими ўз функциясини тўлиқ бажариши учун унинг юқорида баён қилинган ташқи алоқаларини намоён қилишнинг ўзи етарли эмас. Шу муносабат билан ушбу ишда меҳнат таълими ўқитувчиси педагогик фаолиятини назорат қилишни тизим сифатида ўрганиш ва таҳлил қилиш учун унинг ички алоқалари ва қисмларини ёритиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинган. Жумладан, мактабда умумий ўрта таълим ДТС талабларига мувофиқ равишда таълим-тарбия бераётган меҳнат таълими ўқитувчиси педагогик фаолияти тизим сифатида таҳлил қилиниб, унинг фаолиятининг барча жиҳатларини ифодалашга имкон берадиган, ўзаро мустаҳкам алоқада бўлган 50 та қисми (элементи) ажратиб олинди (2-расм).



2-расм. Мехнат таълими ўқитувчиси педагогик фаолиятини назорат қилиш

Мехнат таълими ўқитувчиси педагогик фаолиятини назорат қилиш тизими қисмларининг ҳар бирини шартли равишда ўқув элементи (ЎЭ) деб номладик. Ўқув элементи (ЎЭ) деганда биз меҳнат таълими ўқитувчисининг назорат қилиниши зарур бўлган педагогик, психологик, илмий-услубий ва амалий фаолиятидаги таълимий ва тарбиявий тадбирларнинг таркибий қисмларини тушунамиз. Мазкур ўқув элементлари меҳнат таълими ўқитувчиси касбий педагогик фаолиятини ва унинг шахсий фазилатларини намоён қилишга имкон беради.

Шу муносабат билан биз изланишимизда меҳнат таълими ўқитувчиси педагогик фаолиятининг назорат қилиниши зарур бўлган ўқув элементларига асосланиб, унинг педагогик фаолияти ва шахсий фазилатларини намоён қилишга асосий эътиборни қаратдик. Бу эса назорат мақсадини белгилашга, уни амалга ошганлигини текшириб кўришга имкон берди.

Маълумки, меҳнат таълими ўқитувчиси педагогик фаолиятини назорат қилиш жараёнида назорат қилинадиган ЎЭ ларни юқори даражада аниқлаш мактабда таълим сифати ва самарадорлигига ижобий

таъсир этади. Шу боис меҳнат таълими ўқитувчиси педагогик фаолиятини назорат қилинувчи ўқув элемент (ЎЭ.1-ЎЭ.50) ларининг аниқлигига бўлган талаблар ошганда ЎЭ ларининг ҳар бирини ўз навбатида янги ўқув элементчаларга ажратиб ўрганиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга эҳтиёж туғилди.

Юқорида баён қилинганларга асосланиб, ушбу ишда меҳнат таълими ўқитувчиси педагогик фаолиятини назорат тизими тузилиши қисм (элемент) ларига мувофиқ равишда унинг ўқув элементлари мазмуни баён қилинган. Жумладан, мазкур ишланманинг «Билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш даражасини белгилаш» деб номланган V қисмида меҳнат таълими ўқитувчисининг куйидаги ўзлаштириш даражаларини аниқлаш кўзда тутилган: педагогик, психологик малакалар даражалари (ЎЭ.28); умуммеҳнат кўникмалари даражалари (ЎЭ.29); ўлчашга доир малакалар даражалари (ЎЭ.32); аппаратлар, мосламалар, техника воситалари, станоклар тузилишини билиш ва бошқариш малакаси (ЎЭ.34); мутахассислик бўйича фанлар, мавзулар бўйича билимлар даражалари (ЎЭ.38); ва ҳ.к.

Маълумки «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида мактабда таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигига эришиш вазифаси меҳнат таълими ўқитувчиси педагогик фаолиятини мунтазам равишда назорат қилиш ва баҳолашга бўлган эҳтиёжни тобора ошироқда. Шу муносабат билан ушбу ишда меҳнат таълими ўқитувчисининг мураккаб ва кўп қиррали педагогик фаолиятини назорат қилиш ва баҳолашда тест усулидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда бунда амал қилинадиган баҳолаш мезонлари асослаб берилди. Меҳнат таълими ўқитувчиси педагогик фаолиятини тест усули ёрдамида назорат қилиш ва баҳолаш мазкур фаолиятни назорат қилиш ва баҳолашнинг бошқа воситаларига нисбатан кўлайлиги, кенг қамровлиги, техник воситалардан фойдаланиш имконияти мавжудлиги, юзакчилиikka йўл қўйилмаслиги каби афзалликларини ҳисобга олиб, биз тадқиқотнинг назорат объектида «Янги техника ва илғор технологиялар», «Ўқувчилар ишлаб чиқариш амалиёти», «Корхоналарда ишлаб чиқаришни жадаллаштириш омиллари» ва ҳ.к. ўқув элементлар бўйича мактабда ишлаётган меҳнат таълими ўқитувчиларининг умуммеҳнат, махсус ва касбий билим, кўникма ва малакаларини шаклланганлик даражаларини ўрганиш бўйича I-IV даражали (билим, кўникма, малака ва ижодий фаолият) тестлар мажмуалари ва топшириқларни ишлаб чиқдик ва улар Самарқанд вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти меҳнат таълими ўқитувчилари курсларида синаб кўрилди.

Шу вақтнинг ўзида меҳнат таълими ўқитувчиси педагогик фаолиятини назорат қилиш фақатгина IV даражали тестлар мажмуалари ва топшириқларини тузиш, турли-туман сўровномалар ўтказишдан иборат бўлмасдан, балки назорат қилишнинг

инсонпарварлик ва демократияга, назорат қилинувчи ва назорат қилувчининг ўзаро ҳамкорлигига, ўзаро ҳурмат-шериқлигига асосланган шакл, тур, метод ва воситаларини ишлаб чиқишни ва амалиётга жорий этишни ҳам кўзда тутиши керак. Улар жумласига кейинги вақтларда педагогик амалиётда кенг қўлланилаётган «Ўқитувчи ўзининг касбий маҳоратини ўзи баҳолаши» (аутомониторинг), «Дарс назоратининг қайдномаси», «Назорат қилинувчи ва назорат қилувчи учун эсдаликлар», «Ўқитувчининг дарс сифатини баҳолаш мезони» ва ҳ.к. киритиш мумкин.

Юқорида баён қилинганидек, меҳнат таълими ўқитувчиси педагогик фаолиятини назорат қилиш тизимида назорат мазмуни ва шакллари унинг муҳим таркибий компонентларидан ҳисобланади. Шу боис тадқиқотда меҳнат таълими ўқитувчисини маъруза, суҳбат, ҳикоя, саёҳат экскурсия, (саёҳат) ва б.қ. (назарий билимларни ўзлаштириш) дарслари, лаборатория, устахонадаги амалий машғулотлар, техникавий-технологик топшириқ ва вазифаларни ечиш (амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш) дарслари ҳамда ўқув устахона, қишлоқ хўжалиги экинлари даласида, машина-трактор саройида, фермер хўжалигида, оталиқ таянч корхоналар ва ҳ.к. да ўтказиладиган (ишлаб чиқариш) дарслари мазмунини таҳлил қилиш баробарида мазкур дарс турларининг ҳар бири бўйича назорат қилинувчи ва назоратчининг олдиндан тайёргарлик кўриши (дарсни кузатиш, таҳлил қилиш схемалари, назоратчи эътибор бериши зарур бўлган объектлар рўйхати, дарс сифатини аниқлаш) бўйича мезонлар, назоратчи амал қиладиган қоидалар ишлаб чиқилди ва тажриба-синовдан ўтказилди.

Юқорида баён қилинганлар меҳнат таълими ўқитувчиси педагогик фаолиятини дарс жараёнида ҳамда синфдан ва мактабдан ташқари машғулотларда назорат қилиш моделини ишлаб чиқишга замин яратганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Унга кўра педагогик фаолиятни назорат қилиш жамоанинг ўзида ишлайдиган ходимлар (махсус тузилган комиссия аъзолари) томонидан ўтказилса «ички назорат» ва маъмурий бошқарма вакиллари томонидан ўтказилса «ташқи назорат» деб номланди. Ички назорат ўқитувчиларни ўзларини-ўзлари назорат қилишлари орқали (аутомониторинг) ёки (эксперт гуруҳи) маъмурият, ўқитувчилар, оналар кўмитаси аъзолари иштирокида олиб борилади. Ташқи назорат эса, Давлат тест маркази, аттестация-аккредитация бошқармасининг мутахассис ходимлари ва ишчи гуруҳи аъзолари томонидан ўтказилади.

An advantage of labor training process is getting necessary information directly from teacher pertinent to practice and process of production, including problems considered in this article.

ИЧКИ ИШЛАР ИДОРЛАРИДА КАСБИЙ ПСИХОЛОГИК ТАНЛОВНИНГ АҲВОЛИ

И.Х. АРИФХОДЖАЕВА – ИИВ Академияси СТТОК ўқитувчиси

Қар қандай фаолиятни психологик таъминлаш ўсаётган ёш мустақил давлатимизнинг шаклланишида стратегик аҳамиятга эга бўлган, айти дамда давлат сиёсатида долзарб ҳамда салмоқли изланишларни талаб қиладиган кадрлар масаласига бориб тақалади. Бу масала ўз ўрнида юқори малакали, етук мутахассис кадрларни тайёрлаш орқали фаолият самарадорлигини ошириш, уни такомиллаштириш доирасида шаклланади. Ҳар қандай фаолиятни такомиллаштириш, айтиқса сержантлар таркиби фаолияти каби мураккаб, кенг қамровли, уни амалга оширувчи шахсга нисбатан бир қатор талабларни қўядиган фаолиятнинг самарадорлигини ошириш бизни мустақил демократик давлатимиз олдида қўйган вазифаларни оғишмай бажариш, ҳар қандай жабҳанинг ўсиши, улғайиши учун қўйидаги психологик омилларни комплекс шаклда ўрганиш, тизимлаштириш орқали амалиётга татбиқ қилиш заруратини туғдиради. Булар:

1. Кадрларни танлаш (подбор) жараёни;

- а) шахсни касбга психологик ташҳислаш;
- б) кадрларни муайян касбий фаолиятга тавсия қилиш.

2. Фаолиятни психологик таъминлаш:

- а) шахс фаолиятини психологик кузатиш;
- б) касбий тайёргарлик жараёнида психологик тузатиш ишларини амалга ошириш.

Сержантлар таркибини жамлаш бир-бири билан узвий боғлиқ тадбирлар ёрдамида амалга оширилади. Шулар қаторида бирламчи тиббий ва психологик танлов (касбга мувофиқлик) асосида қабул қилиш жараёнини мисол қилиб келтириш мумкин. Ҳозирги кунда амалга оширилаётган бирламчи психологик танлов натижаларини кейинчалик амалда (яъни ходимнинг меҳнат фаолияти давомида: лавозимга тайинлаш, махсус ўқитиш) ишлатиш имконияти йўқ. Бизнинг фикримизча ҳар қандай касбий танловдан қўзланган асосий ва энг устувор мақсад ходимда аниқланган шахсий хусусиятлардан фаолиятда самарали фойдаланиш, ушбу фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиши зарур. **Афсуски, кўп ҳолларда психологик танловга юзаки ёндашиш ҳолларини кузатишимиз мумкин, ачинарлиси унинг натижаларидан умуман фойдаланилмапти.**

Чет эл давлатлари тажрибасида ходимни нафақат лавозим ёки касбга танлашда, балки муҳим, ўта муҳим вазифаларни топширишда, юқори лавозимларга тайинлашда, шаходатлашда психологик билимлар, тестлардан фойдаланишлиги бизга маълум. Айнан шахсга хос алоҳида туғма

хусусиятлар, ходимни муайян фаолиятни самарали бажаришига катта таъсир ўтказиши.

Бир турдаги шахслар тезкор ходим бўлишни, бошқа бир шахс эса профилактика инспектори ёки терговчи бўлишни хоҳлайди. Хоҳиш-истаклари уйғунлигида билим олади, ишлайди, тажриба орттиради, лекин хоҳишга, ниятга эришиш йўли машаққатли кечади. Ходим қийналиб, асаблари таранглашиб фаолият олиб боришда кўникади. Ўтказилган кўплаб тадқиқотлар бундай ходимда ўсиш, янгилликларга интилиш хусусиятларининг намён бўлмаслигини кўрсатади.

Иккинчи турдаги шахслар хоҳиш истакларини туғма имкониятларига мувофиқлаштирган ҳолда касб йўналишини танлашади. Бундай ходимларни биз кўпинча раҳбар лавозимларда, жамоада етакчи, маслаҳатчи, тажрибали ходимлар сафида учратишимиз мумкин.

ИИИ (ички ишлар идоралари)да ўтказилаётган ислохотлар кадрлар танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш масаласида касбий танлов жараёнида психологик ташҳисга талаб сезмоқда. Айти дамда касбга танлов жойлардаги тиббий масканларда ўтказилмоқда ва асосий эътибор шахснинг психофизиологик соғлигини билишга қаратилган. Бунинг салбий тарафларидан бири касбий танлов амалга оширилгандан сўнг унинг натижалари айтарли таҳлил қилинмайди ва улар асосида танланган фаолиятни амалга ошириш учун тавсиялар берилмайди. Албатта, ўринли савол туғилади, агар жойларда ўтказилган психологик танлов натижаларидан кейинчалик фойдаланиш имконияти бўлса, нима учун у бугунги кунда йўлга қўйилмаган ёки ундан фойдаланилмапти?

Ушбу саволга жавоб топиш учун бу соҳада кўплаб ютуқларга эришган олимларнинг изланиш ва тажрибаларига мурожаат қиламиз. Бу борада кўплаб ютуқларга А.М.Столяренко, В.Л.Васильев, В.В.Романовлар эришишган деб ҳисоблаш мумкин.

Улар «номзодларга психологик ташҳис қўйиш орқали кўплаб натижаларга эришиш мумкин» деб ҳисоблашади.[6] Психологик ташҳиснинг ўзини оқлаши, яъни фаолият кўрсаткичини ошириши билан боғлиқликда таҳлил қилинса унинг муваффақияти 92-95% ташкил қилади. Бу ўз ўрнида кадрлар танлаш айланма ҳаракати ва кўплаб маблағларни тежаш имкониятини беради.

Аваллаамбор сержантлар таркибида психологик ташҳисни татбиқ этмоқчи эканмиз, унинг туб маъноси, мазмун моҳиятини очишга ҳаракат қиламиз. «Психодиагностика» «Психологик ташҳис» термини турли тест методикалари ёрдамида мутахассис психологни муайян шахснинг руҳий ҳолати, ўзига хос алоҳида хусусиятлари, уларнинг сифатларини

аниқлаш (ташхислаш) маъносини англатади.

А.М.Столяренконинг фикрича ИИИда психологик ташхис – муайян гуруҳдаги ижтимоий психологик ходисаларни ҳамда шахсларни ўзига ҳос алоҳида хусусиятларини мақсадли ўрганиш воситаси ҳисобланади. Уни касбга танлаш, шаҳодатлаш, психологик тузатиш (психокоррекция), касбий психологик тайёргарлик, шахс хусусиятларини мақсадли шакллантиришда қўллаш мумкин.

ИИИ сержантлар таркиби фаолиятида психологик ташхис авваламбор асосий психологик восита сифатида қўлланилаётган бўлса, иккинчидан аниқ гуруҳ (сержантлар таркиби) ва унинг аъзоларини ўзига ҳос хусусиятларини ўрганишга қаратилган.

Бир қатор психолог олимлар психологик ташхиснинг асосини муайян гуруҳ ёки алоҳида шахс тўғрисида маълумот олиш билан бир қаторда уни бошқа гуруҳ ва шахслар ўртасидаги фарқни ҳам ўрганиш хусусиятига эга деб ҳисоблашади.

Психологик ташхис қўйиш жараёнида суҳбат, кузатиш, эксперимент, фаолият натижаларини ўрганиш, анкета ва тест усулидан фойдаланилади.

ИИИ сержантлар таркиби фаолиятига ходимларни танлашда хатога йўл қўймаслик мақсадида илмий асосланган, илм-фан, техника тараққиёти имкониятларидан тўлақонли равишда фойдаланган ҳолда номзодларни танлаш ҳамда касбий тайёргарлик ишларини ташкил этиш талаб қилинади.

Касбий танлов жуда мураккаб ва кўп босқичли ҳисобланади.

ИИИда **касбий танлов** бир қатор ташкилий ҳамда илмий асосланган усул ва воситалар ёрдамида ушбу фаолиятда хизмат олиб бориш учун лаёқатли ва энг кўп имкониятга эга номзодларни танлаб олиш жараёни ҳисобланади.

Касбий ташхиснинг амалий аҳамияти фаолият самарадорлигини ошириш, уни такомиллаштириш мақсадида психологияда мавжуд фундаментал билимлар ва амалий тажрибаларни татбиқ этишга қаратилиши лозим. Амалиётда касбий танлов бир қатор ташкилий тадбирлар ёрдамида амалга оширилади. Яъни касб талабидан келиб чиққан ҳолда шахснинг аниқ руҳий, жисмоний, ижтимоий руҳий ҳолатлари ўрганилади. ИИИда бу жараённи қуйидаги шаклда кўришимиз мумкин:

1. Ижтимоий-психологик текшириш;
2. Психофизиологик текшириш;
3. Тиббий текшириш;
4. Имтиҳон шаклидаги танлов.

Айтиб ўтиш керак бу турдаги номзодни ўрганиш кўпчилиكنинг ичидан **касбга саралаш** босқичи шаклида намоён бўлади. Сабаби ушбу босқичнинг ҳар бир поғонаси номзодни ИИИга яроқли ёки йўқлиги ҳақида хулоса беради. Уларнинг биридан «яроқсиз» деб аниқланган хулоса кейинги босқичга ўтиш имконини бермайди.

Ҳар уччала поғонадан муваффақиятли ўтган номзодни биз ИИИ фаолиятига фақатгина яроқли эканлигини аниқлаймиз холос. Ва айнан шу ҳолат ИИИ сафида хизмат қилаётган ходимларнинг малакаси камлиги, ўз хизмат вазифаларини талаб даражасида бажара олмаслиги, лоқайдлик, бефарқлик билан бир қаторда турли-туман касб

бузилишларини эрта намоён бўлиш ҳолатларида кузатилади.

Муайян фаолият учун номзод танлаб олингандан сўнг, унга қайси фаолиятда муваффақиятга эришиши мумкин, белгиланган вазифаларни самарали бажариш учун қайси шахсий ёки касбий муҳим хусусият ёки унинг сифатини ривожлантириш зарур, ёки номзодга таълим-тарбия беришда қайси жиҳатларига эътибор қаратиш зарур деган саволларга афсуски бизнинг ҳарбий тиббий комиссия хулосалари, психологик тест ўтказишга масъул бўлимларимиз жавоб беришаётгани йўқ.

Бизнинг фикримизча номзодларни танлашдаги бундай лоқайдлик, жамиятимизда, айниқса фуқароларни, давлатни ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби мураккаб ва масъулиятли вазифани кимнинг қўлига топширишнинг аҳамияти йўқ деган бефарқлик аломатларини жамият, давлат зарари йўлида шакллантирилаётганидан далолат беради.

Изоҳлашнинг хожати йўқ, касбий фаолият, унинг талаблари, жамиятда бажарадиган вазифаси ва мавқеига кўра инсон омилидан тўлақонли равишда фойдаланишни талаб қилади. Касбий фаолият хусусиятлари, талаблари мураккаблагани сари уни амалга оширувчи шахсга нисбатан қўйиладиган талаблар ҳам ортиб боради. Демак бу вазифани ҳамма ҳам бирдай муваффақият билан амалга ошира олмайди дегани.

Афсус айни дамда ташкил этилган касбга танлов жараёни Республикамиз ИИИ тизимига номзодларни танлаб олишда тўлиқ шаклланган деб бўлмайди, у ҳануз касбга саралаш босқичида фаолият олиб бормоқда. Айнан ушбу муаммо биринчидан **долзарблиги**, иккинчидан эса кечиктирмай ҳал қилиш зарурати мавжудлиги сабабдан биз татбиқ қилаётган муаммонинг асосий негизи ва **мақсади** бўлиб хизмат қилади.

Ҳар қандай фаолиятни бажариш учун пойдевор сифатида хизмат қиладиган имкониятга эга бўлмаган ёки касб талаб этадиган касбий муҳим хусусиятлар сифати аниқланиб, мақсадли шакллантирилмаган ҳолда ҳеч бир фаолиятда ўсиш, янгиланиш, муваффақиятга эришиш ва ниҳоят такомиллашиш аломатларини кўриб бўлмайди. [3]

Касбий танлов доирасида шаклланган юқорида санаб ўтилган ҳар бир поғона бир биридан фарқли равишда ўз хусусиятига кўра мақсад ва вазифаларни бажаради ҳамда улардан келиб чиққан ҳолда ўз усул ва воситаларини, уларнинг таркибий қисмларини ишлаб чиқаради.

Касбий танлов жараёнини психологик таъминлашнинг асосий мақсади деб қуйидагилар белгиланади:

1. Касбий танлов жараёнида шахсни психологик ташхислаш;
2. Шахснинг касбий муҳим хусусиятларини аниқлаш;
3. Сержантлар таркиби фаолиятига номзодлар учун психологик талаблар мезонини ишлаб чиқиш;
4. Сержантлар таркиби фаолияти учун психологик лаёқат даражасини белгилаш;

5. Сержантлар таркиби фаолиятига номзодларни танлаш учун фойдаланиладиган психологик методикалар жамланмасини (банки) яратиш, сержантлар таркиби фаолиятига мувофиқлаштириш;

6. Сержантлар таркиби фаолиятида мавжуд йўналишлардаги раҳбар ҳамда кадрлар аппарати ходимлари учун махсус маслаҳатларни ташкил этиш;

7. «Хизматда фойдаланиш учун психологик тавсифнома»дан фойдаланиш учун йўриқнома ишлаб чиқиш.

ИИИга касбий психологик ташхис ушбу фаолиятни муваффақиятли амалга ошира оладиган номзодларни касбга танлаш билан бир қаторда шахснинг ички имкониятлари, ижтимоий-психологик ҳамда шахсда мавжуд касбий муҳим хусусиятлари сифатини инobatга олиш ва улардан самарали фойдаланишга қаратилган бўлиши зарур деб ҳисоблаймиз.

Айни дамда касбий психологик ташхисни замонавий шарт-шароитларда, кўп қиррали тест методлари ёрдамида шахсни фаолият учун яхлит: психофизиологик, ижтимоий-психологик хусусиятларини унинг ички имкониятлари ҳамда касбий муҳим хусусиятларининг сифати билан биргаликда таҳлил қилиш асосида ташкил қилиш мумкин.

Э.а. 427-347 йилларда Платон ўз асарида «Ҳамма нарсени кўп миқдорда, сифатли ва осон бажариш мумкин, қачонки уни ўз тугма имкониятларимиздан келиб чиққан ҳолда амалга оширсак» деб ёзади. [4]

Касбий психологик ташхисга эҳтиёж турли касб фаолиятларида мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида вужудга келган десак адашмаймиз.

Касбий психологик ташхиснинг туб мазмунини қуйидагича изоҳлаш мумкин – касбий фаолият хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда шахснинг муайян фаолиятга лаёқат даражасини белгилаш. [5] Агар номзодлар бўш жойлардан кўра кўп бўлган тақдирда уларнинг ичидан қай бири ушбу фаолиятга кўпроқ муносиблигини касбий психологик ташхис аниқлаб беради.

Платоновнинг фикрича касбий психологик ташхис жараёнини назарий ўрганиш, уни амалда қўллаш бошқа бир қатор жараёнлар билан боғлиқ (фаолиятни психологик таъминлаш, касбий психологик тайёргарлик, касбий психологик кузатиш касбий психологик тузатиш ва ҳ.к.) бўлиб **шахс ва фаолият бирлиги принципи**га кўра амал қилади. У ўз ўрнида касбий психологик ташхисни икки кўринишда бўлади деб ҳисоблайди.

Биринчиси, бир-бири билан боғлиқ бўлмаган лекин бир нисбатдаги алоҳида хусусиятларни ўрганишни мақсад деб билса, **иккинчиси** эса шахсга тизимли ёндашув принципига кўра фаолият юритади.

Биринчи турдаги касбий психологик ташхисни амалга ошириш учун касбий аҳамиятли хусусиятлар рўйхатини тузиш (касб профилини яратиш) ва улардан фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш зарур.

Иккинчи турдаги касбий психологик ташхис шахсни алоҳида сифат ва хусусиятларига тўхталмай

уларни муайян тизим асосида, ўзаро боғлиқликда ўрганади. К.К.Платонов ушбу ёндашувни касбий психологик танлов самарадорлигини оширишда энг маъқул усул деб тавсифлайди. Ҳақиқатан ҳам бундай ёндашув нафақат шахс хусусиятлари кўрсаткичларини инobatга олади балки уларни ўзаро боғлиқлиги ҳамда бир-бирига таъсирини яхлит ҳолда таҳлил қилади.

Ушбу ёндашувнинг афзаллик тарафи унинг **тизимли ва шахсга яхлит ёндашув** принципига эгаллигидир. Бизга маълум ҳеч бир психик ҳодиса, ҳолат, хусусият ва уларнинг сифати шахс фаолиятида намоён бўлишига кўра алоҳида шаклда учрамайди. Шунинг учун ҳам шахснинг хатти-ҳаракатларини унинг шахсий сифатлари билан уйғунликда таҳлил қилинмаса унинг келажақдаги фаолияти учун олдиндан хулоса, тавсиф бериб бўлмайди.

Номзодни **шахсга йўналтирилган** принцип асосида ўрганиш уни функционал тизими динамикасини таҳлил этишни талаб этади ва бу касбий психологик ташхиснинг **динамиклик принципи**га таянади. Амалиётда бу принцип аввалги иш, ўқий жойидан олинган тавсифномалар асосида хулоса чиқаришга асосланади. Лекин бу ҳужжатларнинг қанчалик объектив, ҳақиқатга яқинлик даражаси касбга танлашнинг ишончлилиги даражасини тушириб юборади.

Касбий ташхиснинг динамиклик принципи бу хоҳ амалий фаолият хоҳ касбга тайёрлаш ёки таълим-тарбия жараёни бўлишидан қатъий назар муайян вақт ва касбий маҳоратга эришиш жараёнини қамраб олади.

Бизнинг фикримизча шахсни муайян фаолиятга танлаш, лавозимга тавсия этиш, босқичма-босқич, тўғрироғи илмий нуқтаи назардан айтадиган бўлсак шахсни **бутун фаолияти давомида психологик кузатиш** асосида ташкил этилиши керак. Бундай шаклда шахсни фаолиятга «кириш»идан то ундан «чиқиш»игача бўлган вақт оралиғида ташкил этиладиган касбий психологик ташхис **фаоллик принципи** кўринишида намоён бўлади. [5]

Ҳарбий тиббий комиссия томонидан берилган, муайян фаолият учун «яроқли» ёки «яроқсиз» қабилидаги хулоса жуда саёз ва кам аҳамиятли бўлиб бу хулоса билан биз номзодни хизмат вазифаларни самарали бажариши, муваффақиятга эришишини кафолатлай олмаймиз.

Фаоллик принципига таянадиган хулоса айнан психологик кўринишда бўлиб ўзида йўналтирувчи, тарбияловчи, тузатиш киритувчи (психокоррекция) тавсияларни акс эттиради.

Шахсда мавжуд ёки шакланган касбга хос билимлар, малака, кўникма, уқувларнинг уни психологик хусусиятлари сифати билан уйғунлигида касбий вазифаларни амалга ошириш муваффақиятини белгиловчи омил бўлиб хизмат қилади. Ушбу нуқтаи назар асосида шахсни касбий лаёқат даражаси белгиланиб у ўз ўрнида касбий фаолият жараёнининг муайян босқичларида шаклланиб, ривожланиш хусусиятига эга бўлади. Айнан шундай ёндашув шахсни фаолият давомида ўсиши, ўзгариши хусусиятларини инobatга олишни

талаб қилади.

Касбий психологик ташхис бу шахсни алоҳида ўзига хос хусусиятлари ҳамда уларнинг сифатини ўрганган ҳолда касбга танлаш, тайинлаш, лавозимга тақсимлаш, шаҳодатлаш, психологик тайёргарликни ташкил этиш, психологик тузатиш ишларини амалга ошириш, фаолият самарадорлигини ошириш ҳамда такомиллаштиришда учрайдиган муаммоларини бартараф этиш мақсадида ташкил этиладиган тадбир.

ИИИДа касбий психологик ташхисга эҳтиёж қуйидаги ҳолатларда вужудга келади:

1. Касбий психологик танловни ташкил этишда;
2. Ииига номзод танлаш мақсадидан келиб чиққан ҳолда номзодларни турли хизмат йўналишлари ва фаолият турларига танлашда;
3. Алоҳида психологик маслаҳатларни ташкил этишда;
4. Психопрофилактика кўринишида: ходимларга мураккаб вазият ва ҳолатларга мослашиш, улардан чиқишга ёрдам беришда.

Бизнинг фикримизча психологик ташхис шахс фаолиятининг қуйидаги жиҳатларини инобатга олишга:

1. Шахсни касбга танлаш жараёнида;
2. Номзодларни муайян фаолият (таълим-тарбия, малака ошириш) ҳамда ии сержантлар таркиби фаолиятида мавжуд йўналишларга тақсимлашда;
3. Шахсга индивидуал шаклда, шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда;
4. Шахсни фаолият давомида кузатишга;
5. Шахснинг ўзига хос ҳамда касбий муҳим хусусиятларини психологик тузатишга;
6. Шахснинг фаолиятдаги ютуқ ва камчиликларини олдиндан таҳлил қилишга;
7. Фаолият давомида учраши мумкин бўлган касбий бузилишларнинг олдини олиш, стресс ҳолатидан чиқариш, шахсга психологик ёрдам бериш мақсадида алоҳида маслаҳатларни ташкил этишга қаратилиши керак.

Ҳозирги вақтда ИИИДа амалий фойдаланилаётган касбий психологик танловнинг шахснинг кўплаб учинчи даражали психологик хусусиятларини ўрганиш орқали, ИИИ фаолиятида биринчи даражали аҳамият касб этадиган хусусиятларини аниқлашда ожизлик қилаётгани кўрсатмоқда. [6]

Касбий лаёқат даражасини муайян касбий вазифаларни бажариш ва эгаллаш ютуғини белгиловчи касбий муҳим хусусиятлар, унинг сифати, касбий мотивлар, уларнинг йўналганлиги, касбий тайёргарлик даражаси ҳамда фаолиятдан қониқиш ҳиссини сезиш хусусиятларининг уйғунлиги белгилаб беради. [1] Биз **касбий лаёқат** ҳамда касбий фаолият муваффақиятини белгиловчи хусусиятларни таҳлил қилишда туғма ва орттирилган психологик сифатларнинг **ўзаро боғлиқлик ва ўзаро шартлашганлик принципи**га кўра ёндашувни ташкил қилишни муҳим деб биламиз.

Психология фанида, хусусан юридик психологияда эътироф этилган қонуниятлар асосида сержантлар таркибига касбий лаёқат қуйидаги бир

қатор шахс хусусиятларини умумий таҳлил қилиш орқали аниқланади.

1. Шахснинг ижтимоий йўналганлик хусусиятлари (фаолиятга йўналганлик мотивлари, ижтимоий масъулият ҳисси);

2. Касбий йўналганлик хусусиятлари (ушбу касбни танлаш мотивлари, қадриятларнинг йўналганлик даражаси);

3. Ҳуқуқий онглилик даражаси;

4. Маънавий-руҳий тайёргарлиги;

5. Ишбилармонлик хусусиятлари (иродавий, ташкилотчилик хусусиятлари);

6. Ижтимоий билиш хусусиятлари.

Сержантлар таркиби фаолияти номзодлардан ўз хусусиятига кўра махсус белгиланган касбий муҳим психологик хусусиятларнинг мавжудлигини талаб қилади ва сержантлар таркибига номзодларни танлаш стандарт методикалар талаби доирасидаги хусусиятларни ўрганишга қаратилган бўлиши зарур деб ҳисоблайди.

Сержантлар таркиби фаолияти ҳуқуқий меъёрларни назорат қилиш уларни амалга оширилишини назорат қилиш вазифасини бажарадиган ижтимоий фаолият. Айнан ушбу фаолият хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, касбий психологик танлов меъёрлари юзага чиқади. Булар қаторида:

1. Шахснинг юқори даражадаги ижтимоийлик хусусиятлари, яъни ҳаракатларнинг ўзига эмас, фаолиятга ҳамда атрофдагиларга йўналтирилганлиги;

2. Қатъиятлик, қонунийлик, масъулият ҳиссининг юқорилиги;

3. Маънан етуклик, ахлоқийлик хусусиятлари.

Биринчи ўринда номзоднинг фаолиятга нисбатан йўналганлиги, касбий мотивлари, қадриятлари ҳамда касбий муҳим хусусиятларини ривожланганлик даражаси ўрганилиши лозим. Иккинчидан, унинг ҳуқуқий онглилик даражаси ва маънавий-руҳий хусусиятларининг сифати ўрганилиши керак. Айнан ушбу икки омил барча шахс хусусиятларини таҳлил қилишда муҳим вазифани бажаради ва ўз ўрнида сержантлар таркиби фаолиятига номзод танлашнинг ўзига хос хусусияти саналади.

Шу ўринда биз тавсия қилмоқчи бўлган психологик ташхис барча ИИИ йўналишларига тўғри келгани билан алоҳида йўналишлар учун белгиланган хусусиятларни таҳлил қилишдаги хулосалари билан фарқланади. Шахсда мавжуд хусусиятларнинг барчаси инобатга олинган ҳолда, айнан сержантлар таркиби фаолиятидаги қайси бир йўналишга мувофиқлиги ўрганилади. Натижалар таҳлил қилинаётганда номзод тавсия этилаётган йўналишга унинг касбий психологик хусусиятларининг кўрсаткичи қай даражада шаклланганлигига қараб муайян йўналишга тавсия қилинади. Акс ҳолда, яъни талаб даражасидаги касбий психологик кўрсаткичлар даражасининг пастлиги шароитида ушбу кўрсаткичлар билан фаолият юритса бўладиган йўналишга, керак бўлганда психологик тузатиш (коррекция) машқларини тавсия қилиш орқали тавсия қилинади. Касбий психологик ташхис номзодларни тўрт гуруҳга

классификациялайди:

1 **гурӯҳга** – лаёқатли номзодлар катта ва ўрта бошлиқлар таркиби ҳамда тезкор фаолиятга яроқли деб тавсия қилинади;

2 **гурӯҳга** – психологик ташхис натижалари асосида лаёқатли деб ҳисобланган номзод сержантлар таркиби фаолиятида мавжуд муайян йўналишга, кичик бошлиқлар таркибига тавсия қилинади;

3 **гурӯҳга** – лаёқатли деб топилган номзодлар, масъулият кам талаб этиладиган, доимий назорат мавжуд бўлган маъмурий фаолият учун тавсия қилинадилар;

4 **гурӯҳга** – психологик ташхис натижалари ушбу номзодни ИИИ фаолиятига лаёқати йўқ деб белгиланганда киритишимиз мумкин ва бу номзодлар умуман ИИИ фаолиятига яроқсиз деб топилади.

Шу ўринда биз А.Ф.Лазурскийнинг қуйидаги мулоҳазасини келтириб ўтмоқчимиз. «Етарли даражада лаёқатга эга бўлмаган индивидлар кўпинча ташқи муҳит таъсирига бутунлай берилиш хусусиятига эга бўладилар. Энг яхши кўринишда унинг шароити ва талабларига бўйсунди, юқори даражада лаёқатга эга шахслар эса аксинча уларнинг ўраб турган муҳитга фаол таъсир ўтказган ҳолда уни ўз талаблари ва интилишлари доирасига мослаштириш ва ўзгартиришга ҳаракат қиладилар».

Ожиз ва кам имкониятли (туғма ва касбга хос хусусиятлар) инсон психикасини мажбурий равишда ўз талаб ва эҳтиёжларига бўйсундириш орқали унда

ўз изини қолдиради. Натижада шахснинг атроф муҳит шароитига умумий мослашиш даражаси шунчалик тўлиқсиз ва беқарор бўладики ижтимоий ҳаёт салмоғи ва қадрининг аҳамиятсизлиги остида намоён қилса бўладиган имкониятларини ҳам кўрсата олмайди. Бир сўз билан айтганда муайян фаолиятга лаёқати бўлмаган шахсларни ушбу фаолиятни амалга ошириш учун мослашиш хусусияти мавжуд бўлмайди.

Адабиётлар

1. Глушко А.Н. Формирование профессиональной психологической пригодности курсантов военно-учебных заведений МоРФ. -М.: 2003 82 с.
2. Лазурский А.Ф.Классификация личности// Избранные труды по психологии. -М.: 1997, 8 с.
3. Львов В.М. Психология труда. Учебное пособие. Тверь.: 2005, 18 с.
4. Платон. Сочинения т.3 Часть 1.-М.: 1971, 146с.
5. Платонов К.К. Необходимые уточнения /О методических проблемах профессионального отбора в профессиональной ориентации// Социалистический труд №10, 1980 96с,100 с.
6. Столяренко А.М.Прикладная юридическая психология.-СПБ.: Питер. 2005, 25 с.

Main purpose of any occupational choice is increasing employees' working activity by developing and using those available characteristics and directing them to the future self-development.

ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШДА АХБОРОТЛАР ВА КОММУНИКАЦИЯ

С.Т.ТУРҒУНОВ - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты, педагогика фанлари доктори
Л.А.МАҚСУДОВА - НамДУ тадқиқотчиси

Педагогик жараёнларни ташкил этиш, бошқариш ва уларнинг самарадорлигини таъминлашда ахборотлар билан ишлаш ва уларнинг янгилиги ва ишончлилигини таъминлаш ўзига хос аҳамият касб этади. Педагогик жараёнлар тўғрисидаги ҳамда ўқувчиларнинг тасавури, бошланғич тушунчалари, уларнинг дунёқараши, эҳтиёжи ва яшаш шароитлари бўйича ахборотлар тўплаш ва уларни чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда объектив баҳолаш ўқитувчиларнинг энг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш асосида педагогик жараёнларни такомиллаштириш ва ривожлантириш йўллари, ўқувчиларда ижобий мотивларни шакллантириш ва ривожлантириш омиллари ва воситалари аниқланади ҳамда самарадорлик таъминланади.

Ахборот – педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда, шунингдек мазкур жараён субъектлари ҳисобланган ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш ва уларни мувофиқлаштиришда, педагогик жараёнларни илмий

асосда ташкил этиш ҳамда самарадорлигини оширишда ўзига хос, турли хил янгиликларни ўз ичига олган маълумот ва хабарлардан иборат бўлиб, ишончли ва зарур ахборотлар педагогик жараён иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштиришда ўзига хос аҳамият касб этади.

Ахборотлар билан ишлаш – турли маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва узатишдан иборат бўлиб, педагогик жараёнлар субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириш жараёнида қўлланилади. Бу жараёнда педагогик жараён ташкилотчилари келиб тушаётган асосий маълумотларнинг генератори сифатида фаолият кўрсатади ва унинг учун асосий меҳнат предмети ахборотлар бўлиб, улар асосида педагогик жараён субъектлари фаолияти мувофиқлаштириб борилади.

Ахборотлар билан ишлаш функцияси ўқитувчилар билан ўқувчилар ўртасидаги шахсий ва технологик ахборотлар алмашувини ташкил этади. Унинг асосий хусусияти педагоглар томонидан ўқувчиларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, педагогик жараёнларда шахсга йўналтирилган таъсирни вужудга келтириш асосида уларнинг

фаоллигини таъминлаш, ўқувчиларнинг ўз ўқув фаолиятинан ва ташкил этилган педагогик жараёнларда яратилган шароитлардан қониқишларига қизиқишларнинг вужудга келиши билан белгиланиб, бу хусусият ўқитувчининг ўқитиш функциялари билан бир қаторда, ахборотлар билан ишлаш функциясининг кўрсаткичлари билан боғлиқ бўлади.

Ахборотлар тизими – бу педагогик жараёнларда муҳим педагогик аҳамиятга эга бўлган маълумотларни, ўқитишнинг янги педагогик ва ахборот технологияларини ҳамда педагогик жараёнларни ташкил этиш йўналишидаги барча меъёрий ҳужжатларни, шунингдек, иқтисодий-ижтимоий, илмий-техникавий, ҳуқуқий ва ташкилий янгилликлардан иборат ахборотлар оқимини, замонавий ахборот технологиялари, компьютерлаштириш ва компьютерлар тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлашни ўз ичига олувчи мураккаб тизим ҳисобланади.

Ахборотлар тизими кенг бўлиши ва ўз хусусиятига қараб янгиланувчанлигини, яъни ўзгариб бориши, янгилликлар билан бойиб боришини инobatга олиб, бу тизимга педагогик жараён ташкилотчилари томонидан тизимли ёндашувнинг жорий этилиши талаб этилади. Бунинг сабаби, тизимнинг ташкил этувчилари ўртасидаги муносабатлар, ўзаро боғлиқлик ҳамда ташкил этувчилар тизимнинг ўзгаришига ўз ҳиссасини қўшиши ва ўзгарувчи омилларнинг бошқарув жараёнига таъсир кўрсатишидандир.

Ахборотлар педагогик жараёнлар самарадорлигини таъминлаш учун зарурий бўлган хабар ва маълумотлар мажмуидан иборат. Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда ишончли ва энг янги ахборотлар муҳим аҳамият касб этади, чунки педагогик жараён субъектлари ўртасидаги алоқа шакллари ҳамда уларнинг фаоллигини таъминлаш учун шахсга йўналтирилган таълим йўналишини белгилаш омиллари ахборотларга асосланади.

Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда ахборотлар билан ишлаш жараёнлари ахборотлар тўплаш ва узатиш, олинган ахборотларни қайта ишлаш, уларнинг янгилиги ва ишончилигини таҳлил қилиш, объектив баҳолаш, зарурий ахборотларни истеъмолчиларга ўз вақтида етказилишини назоратга олиш каби қатор вазифаларни ўз ичига олади.

Педагогик жараёнларда ўқитувчилар томонидан ҳар бир ўқувчи ҳақида тўплаган маълумотлар, яъни уларнинг бошланғич тушунчалари, эҳтиёжлари, қизиқиши ва индивидуал психологик хусусиятлари йўналишидаги ахборотлар ўқитувчининг ўқувчилар билан муносабатларни мувофиқлаштиришда, ўқувчиларнинг фаоллигини таъминлашда ўзига хос аҳамият касб этади. Яъни ўқувчилар ҳақидаги ахборотларнинг тўлиқ, ишончли, аниқ ва сифатли бўлиши ўқитувчи томонидан педагогик жараёнларни лойиҳалаштириш, ташкил этиш ва бошқариш сифатига ўз таъсирини кўрсатади.

Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва

бошқаришда ўқувчилар ҳақидаги ахборотлар ишончли ва аниқ бўлиши зарур бўлиб, ахборотлар педагогик жараёнларда ўқувчиларнинг фаоллигини таъминлаш, уларнинг фаолиятини объектив баҳолаш ва рағбатлантириш омиллари сифатида хизмат қилади. Ўқитувчилар томонидан қуйидаги йўналишлар бўйича аниқ ва ишончли ахборотлар тўплаш ва улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- ҳар бир ўқувчининг яшаш ва муносабатли таълим олиш шароитлари;

- ҳар бир ўқувчининг индивидуал психологик хусусияти, фанга ва касбга бўлган қизиқиши ҳамда маълум бир даврдаги эҳтиёжлари;

- ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, ўқувчиларнинг маълум бир ўқувчига ёки маълум бир ўқувчининг ўз синфдошларига бўлган муносабатлари;

- ўқувчининг бошланғич тушунчалари ва унинг фаоллигига таъсир кўрсатувчи омиллар;

- ўқувчининг таълим олиш йўналишидаги эҳтиёжлари ва таъминоти;

- ўқувчига ота-она, маҳалла-қўй муносабатлари ва оиладаги мавжуд муносабатлар;

- ўқувчининг дарсдан ташқари шуғулланадиган машғулотлари, синф ва мактабдан ташқаридаги ўртоқлари;

- ўқувчининг фаоллигини таъминлаш воситалари ва унинг фаоллигига таъсир кўрсатувчи омиллар;

- ўқувчининг табиатга, китобга, техникага ва санъатга бўлган муносабатлари, қизиқиши ва ҳ.к.

Мазкур йўналишларда тўпланган ахборотлар педагогик жараёнлар самарадорлигини таъминлаш йўналишида белгиланган мақсадларга эришиш мезонларини аниқлаш, ўқувчиларнинг шахсий имкониятлари ва қобилиятларини тўла намоён этишлари учун шарт-шароитлар яратиш, ҳар бир ўқувчининг фаолияти ва фаоллигини объектив баҳолаш асосида уларни рағбатлантириш, шунингдек, ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини таъминлаш учун инновацион таълимий муҳитни шакллантиришда ўзига хос аҳамият касб этади.

Шунингдек, мазкур йўналишлардаги аниқ ва ишончли ахборотлар ўқувчиларда муносабатли фикрлаш, ўзини-ўзи бошқариш, ўзлигини ва қобилиятини намоён этиши учун шароитлар яратишга, уларнинг бошланғич тушунчаларини ва тафаккурини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлашга, уларда таълим олишга қизиқишни шакллантириш, яъни мотивлаштиришга хизмат қилади.

Ўқувчилар шахси узлуксиз равишда шаклланиб ва ривожланиб боришини инobatга олган ҳолда, улар ҳақидаги маълумотларни ҳам мунтазам янгиланган бориш зарур ҳисобланади. Бу ўз навбатида педагогик жараёнларда ахборотларнинг ўзига хос аҳамиятини ифодалайди, шунинг учун ҳам ахборотлар янги ва ишончли бўлиши зарур ҳисобланади. Уларнинг янгилиги ва ишончилиги тўпланган ахборотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш жараёнида аниқланилади.

Ишончли ва янги ҳисобланган ахборотлар асосида ўқувчиларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, вазиятларга боғлиқ ҳолда ўзгартириш, такомиллаштириш, яъни уларнинг

фаоллигини ошириш ишлари амалга оширилади. Янги ва ишончли деб топилган ахборотларга асосланган ҳолда, педагогик жараёнлар самарадорлигини ҳам таҳлил қилиш имконияти туғилади ва уларга асосан педагогик жараёнларни такомиллаштириш ҳамда ўқувчиларда ўқишга бўлган ижобий мотивларни шакллантириш ва мотивлаштириш йўналишларидаги вазибалар белгиланади.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, ўқувчиларда ўқишга бўлган қизиқишларни шакллантириш, яъни мотивлаштириш уларда илм олишга, ўз тасавури ва тушунчаларини ривожлантиришга мойиллик, маълум бир касбга, табиатга, санъатга, фан ва техникага қизиқиш, келажакка ишонч туйғуларини шакллантиришга йўналтирилган тадбирларни ташкил этишни назарда тутди.

Ўқувчилар ҳақида тўпланган ва мунтазам янгилаб борилган ишончли ахборотлар педагогик жараёнлар самарадорлигини таъминлашга хизмат қилиши билан бир қаторда, ўқувчиларнинг бошланғич тушунчаларини, тасавури ва дунёқарашини олдиндан аниқлаш асосида уларни ривожлантириш йўналишида ташкил этиладиган педагогик жараёнларда ўқитувчиларнинг вақтини тежашга, бўшроқ ўзлаштирувчи ўқувчиларга кўпроқ эътибор қаратишга имкониятлар вужудга келтиради..

